O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 СОХТА МАЪЛУМОТ
САЛОМГА ЯРАША АЛИК 3
ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ 4
ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН ЭРТАКЛАР

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 36 (442)
2005 йил
27 сентябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки ушбу моддaнинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 15-МОДДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, қорақалпоқ пахтакорлари, деҳқонлари ва барча меҳнаткашларини бу йилги мавсумда эришган юксак меҳнат ғалабангиз билан — нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистон пахтачилиги тарихида биринчилар қаторида ғоят қисқа муддатда пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Қорақалпоғистоннинг мамлакатимиз хирмонига 185 минг тонна юқори сифатли — биринчи сорт билан пахта хомашёси топширгани, бу йилги йиғим-терим мавсумида карвонбоши бўлиб сентябрь ойидаёқ белгиланган маррани эгаллашга эришгани — бу чиндан ҳам кўпчиликни ҳайратда қолдирган ютуқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган хўжалик йилини ҳам барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлаган сиз, азизларнинг бу улкан ютуғингиз замирида ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч бўлган фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, эгалик ҳиссиёти, манфаатдорлик туйғуси билан яшаш ва меҳнат қилиш каби омиллар мужассам.

Мен куни кеча серҳосил далаларингизда бўлиб, сизларнинг оғир табиий шароитга қарамасдан амалга ошираётган ибратли ишларингизни, эзгу орзу-умидлар, келажакка ишонч билан яшаётганингизни кўриб, беҳад мамнун бўлдим.

Кейинги йилларда оғир синовларни, қурғоқчилик машаққатларини бошидан ўтказиб, шу заминни обод этиш йўлида сабот ва матонат фазилатларини, том маънода қаҳрамонлик намунасини намоён этиб келаётган қорақалпоқ элининг бугунги катта муваффақияти барчамизни, бутун халқимизни қувонтиради.

Азиз дўстлар!

Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг турли соҳалардаги салмоқли ютуқларини эътироф этган ҳолда, ҳукуматимиз ва давлат идоралари, бунга мутасадди бўлган барча ташкилот ва жамоатчилигимиз томонидан мана шу ўта мураккаб табиий иқлим ва тупроқ шароитида яшайдиган инсонлар учун доимий ва барқарор даромад манбаларини яратиш ҳақида жиддий бош қотириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу мақсадда бу ерда саноат ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнес, шу жумладан, катта имкониятларга эга бўлган чорвачилик каби тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Мана шу қорақалпоқ заминига, ўз туғилиб ўсган ерига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат кўрсатиб яшаётган аҳолининг ижтимоий ва коммунал эҳтиёжларини, авваламбор, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини, атроф-муҳитнинг экологик даражасини яхшилаш масаласига олдимизда турган энг муҳим вазифамиз, деб қарашимиз лозим.

Бугунги қувончли кунда мен сизларнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ҳалол меҳнат қилиб қўлга киритган юксак ғалабангиз билан яна бир бор самимий қутлар эканман, аввал айтган гапимни яна такрорламоқчиман: мен ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан ва бу билан доимо фахрланаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга қут-барака, ишларингизга янги омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Bugunning gapi

Ҳақиқат эгилиши мумкин, лекин синмайди, деган ҳикматнинг нақадар ҳаққонийлигини тарихда бўлиб ўтган катта-кичик воқеалар ҳам, ҳозирги замонда юз бериб турган ҳодисалар ҳам қайта-қайта исботлаган. Бироқ бесабрлик, шошқалоқлик, қолаверса, рўй берган ҳодисаларни ғаразли мақсадларда бузиб талқин этиш билан ҳеч ким, ҳеч қачон муродига етган эмас, етолмайди ҳам. Зотан, ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

ОГОҲЛИК:

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ШАРТИ

Айни ҳақиқат шу кунларда Андижонда содир этилган террорчилик хуружининг иштирокчилари устидан ўтаётган суд жараёнида ҳам юз кўрсатаётир. Бу воқеа атрофида қанча ножоиз гаплар айтилмади, асоссиз, ғаразли талқинлар тарқатилмади. Мамлакатимиз раҳбарияти, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари бу ахборот хуружларига босиқлик, вазминлик билан муносабатда бўлиб, Андижон воқеаларининг сабаб ва оқибатлари, у билан боғлиқ бор ҳақиқатлар қонуний йўл билан рўёбга чиқарилишини қайта-қайта таъкидлаганди.

Бир неча кундан буён Ўзбекистон Республикаси Олий судида 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган конституциявий тузумни куч ишлатиб ағдаришга уринган, террорчилик хуружларини амалга оширишда бевосита иштирок этган ўн беш нафар ўта хавфли жиноятчилар иш юзасидан суд жараёни давом этмоқда.

Бу жиноий уюшма иштирокчилари хорижда пухта режа тузиб, жанговар тайёргарликдан ўтиб, чет эллик ҳомийлари кўмагида қўққисдан ҳужум уюштириб ўнлаб инсонларни гаровга олишгани, улардан бир неча нафарини қийнаб ўлдиргани — ўта мудҳиш жиноятларни содир этгани аниқланмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов зудлик билан бу мудҳиш воқеанинг олдини олиш учун қатъий чораларни кўрмаганида халқимиз бошига бундан ҳам оғир кунлар тушиши мумкинлигига амин бўлдик.

Инсоният цивилизацияси бугунги юксалиш даражасига осонликча эришгани йўқ. Бунинг учун неча асрлар мобайнида мислсиз заҳмат чекилди. Тараққиёт инсониятга жуда кўп қулайликлар, фаровон турмуш имкониятини яратиб берди ва айни пайтда беҳисоб йўқотишлар, қирғинбарот урушлару жабр зулмларга ҳам тарих гувоҳ.

(Давоми учинчи бетда)

E`tirof

БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИККА РАҒБАТ

Эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи, манфаатдорлик ва эртанги кунга мустаҳкам ишонч кишига нафақат куч-қувват ва ғайрат-шижоат бағишлайди, балки оддий меҳнатдан мўъжизалар яратишга ундайди. Бунга мисол излаб узоққа бориш шарт эмас. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ишлайман, ўз имкониятларимни рўёбга чиқараман деган ҳар бир кишига барча шарт-шароит ва имкониятларнинг муҳайё этилиши, энг муҳими, манфаатдорликнинг ошиши, одамларнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашида эгалик туйғусининг шаклланиши юртимизда том маънода бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятини юз кўрсатишига мустаҳкам замин яратди.

Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқларини кезсангиз, ҳар бир қадамда бир янгиланиш ва ўзгариш нафасини туясиз. Эзгу ниятли юртдошларимиз ўзларининг яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти билан ҳақиқий мўъжизалар яратаётганига гувоҳ бўласиз.

Истиқлолнинг ҳаётбахш сиёсати халқимизга ана шундай ноёб имкониятни берди.

Энг муҳими, бугун бунёд этилаётган ҳар бир иншоот, замонавий мактаб, лицей ва коллеж бинолари, янги-янги корхоналар халқимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, келажак авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 21-22 сентябр кунлари жойларда амалга оширилаётган ана шундай улуғвор ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Сафар давомида Юртбошимиз деҳқонлар, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. Улар қўлга киритаётган ютуқлар, дуч келаётган муаммолар ҳам мамлакатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

Давлатимиз раҳбарининг бу ташрифи мамлакатимиз жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Қуйида қорақалпоғистонлик ва хоразмлик юртдошларимизнинг Юртбошимиз ташрифига оид фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Қорақалпоқ тилида "арқайин" деган сўз бор. Бу сўзни бошқа бирон-бир тилга мазмунини тўлиқ сақлаган ҳолда таржима қилиб бўлмайди. Чунки "арқайин" оҳангига кўра, турли хил маънони англатади. Масалан, "арқайын жасап атырман" деса, билингки, қорақалпоқ турмушидан мамнун, ҳузур ҳаловатда, яйраб яшаётир. Агар "Мен сўз бердим, арқайын бўла бер" деса, демак, у ўз ваъдасига жавоб беради. "Мен бир арқайын жумыс таптым" деган гапни эшитсангиз, уни айтган кишининг ўз ишига лоқайд қараётганидан огоҳ бўлинг. Хайриятки, бундай гап кейинги йилларда қулоғимизга кам чалинаётир.

ШИЖОАТ ВА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАДИ

Яқин ўтмишда "ишламаган-тишламайди" деган шиорнамо гап бўларди. "Колхоз қимири" деган иборалар ҳам ўша пайтда пайдо бўлган, яъни хўжакўрсинга қимирласангиз кифоя, кунингиз амал-тақал ўтиб, на тўйдирмайдиган, на ўлдирмайдиган ҳаминқадар маошингизни олиб юра берардингиз. Ҳатто молга ҳам ичи ачимасди чўпоннинг: "Ҳа, ўлса, колхознинг моли-ку!" дерди...

Истиқлолнинг ҳаётбахш сиёсати қорақалпоқ заминида ҳам ерга, мулкка лоқайд муносабатни тубдан ўзгартириб юборди, ўзининг эркига, ери ва мулкига ҳақиқий эгалик туйғусини ҳис этган янги авлодни шакллантирди. Бундай уйғониш ва янгиланиш меваларини ҳаётда бўй кўрсатаётган ўзгаришлар, барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларда ҳам кўрса бўлади. Мана, энг сўнгги хушхабарлардан бири: Нукус тумани йиллик режасини Ўзбекистонда биринчи бўлиб адо этди!

Албатта, халқимизнинг бугунги бунёдкорлик шижоатини кўриб, кишиларда арқайинлоқайдлик барҳам топганига гувоҳ бўласиз. Бундай ғайратдан кўксинг тоғдай кўтарилади. Ахир, бугун Қорақалпоғистон пахта тайёрлаш режасини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажарди. Бу ҳали мазкур соҳа тарихида кузатилмаган ҳодиса.

Ана шундай қувончли кунларда Қорақалпоғистонга Президентимиз Ислом Каримов ташриф буюрди.

Президент сафари Кегейли туманидаги "Умид" фермер хўжалигидан бошланди. Давлатимиз раҳбари деҳқонлар билан деҳқончасига, самимий суҳбатлашди, уларнинг бугунги ўй-фикрлари, келажакдаги орзу-умидлари билан қизиқди.

— Президентимиз бизнинг дардимизни ўзимиздан ҳам яхши биларкан. Маҳаллий раҳбарлар олдида бизга ён босиб, кўнглимиздаги гапларни айтди, — дейди учрашувдан мамнун деҳқонлардан бири.

Президентимизнинг Кегейлида айтган, айниқса, чорвачиликни ривожлантиришга доир даъватларидан келиб чиқиб, чорвадорлар маъмурий маркази бўлмиш Бўзотов туманини қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ кўринади.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўтган ҳафтада мамлакатимиз раҳбарининг Қорақалпоқ диёрида бўлиши, оддий одамлар — тадбиркор, фермерлар билан юракдан суҳбат қуриб, уларнинг бугунги ўй-фикрлари, келажакдаги орзу-ниятлари билан қизиқиши кўнглимизни тўлқинлантириб юборди.

ЭЛ МЕҲРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Сирасини айтганда, биз, тадбиркорлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан буён давлатимиз раҳбарининг ана шундай эътибори, ғамхўрлик ва астойдил қўллаб-қувватлашини юракдан ҳис этиб келмоқдамиз. Энг муҳими, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда фермер хўжаликлари тўлиқ оёққа туриб олди ва бугун ўзининг самарасини бермоқда.

Бу биз, фермерларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг натижасидир. Ҳеч шубҳа йўқки, Юртбошимизнинг ҳудудда деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, ижтимоий соҳани тараққий топтириш юзасидан берган маслаҳатлари ишимизда дастур амал бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб кечаги кун ташвишларию бугунги бахтиёрлигимиз хусусида фикр билдирмоқчи эдим.

(Давоми иккинчи бетда)

УЙҒОҚ ДАРЁЛАР

Айтишларича, Амударёни етти марта кечиб ўтганнинг савоби Каъба зиёратига тенг экан. Мен Жайҳун устида янги бунёд этилган Мискин кўпригидан дастлабки поезд ўтганини ҳаяжон ичида кузатиб туриб, шу ҳақда ўйлаган эдим. Дарёдан ҳар кун кичикроқ бир шаҳар аҳолисини олиб ўтишга имкон берадиган кўприкнинг савоби тўлқиллантирган эди мени...

Савобнинг замирида, албатта, хайрли ва эзгу ишлар ётади. Дарёнинг ўзи ҳам ҳар лаҳзада, ҳар бир дона уруғ, ҳар бир кўкат, ҳар бир туп ниҳол, ҳар бир дарахтни зиёрат қилиб яшайди.

Хоразмга давлатимиз раҳбари ташриф буюрганларида кўнглимдан ана шундай фикрлар кечди. Бу йил 1000 йиллиги нишонланаётган Маъмун Академиясининг аъзолари бўлмиш аждодларимиз яратган тафаккур неъматларини ҳам ана шу дарёга ўхшатдим. Юртбошимизнинг Шоҳобод канали кўприги устида туриб берган маслаҳатлари, ободончилик мақсадида берган ҳар бир кўрсатмасида эзгу бир безовталик, хайрли бир ташвиш акс этиб турди.

Дарё бир лаҳза бўлсин, уйқу нималигини билмайди. Дарё фарзандлари ҳам, дарё фарзандларининг юраклари ҳам ана шу дарёнинг ўзидек уйғоқ. Ана шу дарёнинг ўзидек тиним билмайди. Акс ҳолда, машаққатталаб Хоразм заминида, ҳар бир қатра сувга бир томчи манглай терингни аралаштирмасанг, экин унмайдиган тупроқда бундай ҳосил хирмонлари юксалмаган бўлур эди. Бу воқеа Юртбошимизнинг бу қадар эътиборига сазовор бўлмаган бўлар эди.

Ўзбек халқининг доврўқли фазилатларидан бири меҳмондўстлик. Меҳмонга дўст эканлигини изҳор этиш учун ҳар бир одам ҳам, ҳар бир халқ ҳам бой бўлиши керак. Биз ҳар бир одамнинг, бинобарин, бутун ўзбек халқининг бой-бадавлат бўлишини ўзимизнинг бош йўлимиз қилиб танлаганмиз. Мен бир фуқаро сифатида Юртбошимиз ташрифидан ана шу ҳикматни уқдим. Қурилаётган меҳмонхоналар бизнинг муносиб мезбонлар бўлиш йўлида қилаётган астойдил саъй-ҳаракатларимизнинг шарофатидир. Бойлигимиз бизнинг меҳмондўстлигимизни оширса, меҳмондўстлигимиз бизни яна ҳам бадавлат қилса, ўйлайманки, нур устига нур. Илм-маърифати юксак, дастурхони тўкин халқнинг толеи ҳам баланд бўлади. Ана шундагина биз зиёратгоҳга келаётган меҳмонлардан мамнун ва меҳмонларни мамнун қилган бўламиз. Ана шундагина биз Амударёнинг муносиб фарзандлари бўла оламиз.

Дарёлар тўлиб оқсин. Кўприклар кўпайсин. Қирғоқлар туташсин. Зеро, шоирларимиз яна айтганлар:

Хуш келдингиз, Хоразмга!

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
Хоразм Маъмун академиясининг катта илмий ходими

Munosabat

ПРОФЕССОР МАКФОЛГА ЖАВОБ

Профессор Майкл Макфол нега Ўзбекистонга кўз тикиб қолди?

Ўзбек халқининг меҳмондўстлигини бутун дунё билади. "Меҳмон отангдай улуғ" деган ҳикмат фақат бизда пайдо бўлиши мумкин. Ҳатто шундай меҳмондўстликка ҳам нотўғри муносабатда бўлишганда, буни халқимиз ўзига хос бардош ва бағрикенглик билан кўтаради. Афсуски, ўзбекистонликлардан ҳеч ким чиройли, очиқ "голливудча" табассумли Майкл Макфолни эслай олмайди. Жаноб Макфолнинг Ўзбекистонда бўлгани ёки бўлмагани, умуман олганда, қоронғу. Гарчи Стэндфорд университети сиёсий фанлар профессори ва Гувер институти катта илмий ходими бўлмиш бу жанобнинг айтишича, мустақиллигимизнинг биринчи ойларида у юртимизга келган ва уни мамлакатдан чиқариб юборишган эмиш.

Бу борада шуни айтишим мумкинки, агар хотирам панд бермаса, айнан мустақилликнинг биринчи йилларида бизнинг мамлакатимиз очиқ кўнгил билан ташриф буюрганларнинг барчасига эшикларини очиб қўйганди. Қолаверса, ўша йилларда мамлакатимиздан хорижликлар чиқариб юборилганига оид ҳолатларни эслай олмайман.

Майклнинг фантазияси унинг ўз виждонига ҳавола. Дарвоқе, бугун демократия баҳонасида обрў орттириб қолишга уринаётганлар кам эмас. Шу маънода, бу мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақидаги гапга ишонувчан тингловчининг эътиборини тортиб ном қозонмоқчи бўлган воизнинг одатдаги "ҳунари".

Яхшиси, келинг, бу олимнинг тагдор қилиб сарлавҳа қўйилган мақоласидаги бизнинг мамлакатимиз тарихи ва сиёсатига доир ўзича "таҳлили"га мурожаат этайлик. АҚШнинг бизнинг ёш мустақил давлатимизга муносабатидаги сиёсати ҳақида гапириб, у шундай дейди: "ССР қулаганидан кейинги дастлабки йилларда Америка ташқи сиёсатининг Ўрта Осиё йўналишидаги асосий мақсади Совет Иттифоқининг у ёки бу шаклда қайта тикланишидан кафолат сифатида, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш эди".

Очиғини айтганда, сиёсий воқеаларни кузатиб бораётган ҳар қандай одамда бундай гап, камида, таажжуб уйғотади. Муҳтарам Майкл, аччиқ ҳақиқатни ширин қилиб кўрсатишнинг нима кераги бор? Ахир, АҚШнинг ташқи сиёсатида Ўзбекистонга муносабатда ҳеч қандай аниқ мўлжал йўқ эди!

Ё АҚШ янги мустақил давлатларни жиддий қабул қилмади ёки кутиб турди. Бироқ Ўзбекистон оёққа туриб олган илк, энг оғир йилларда қийинчиликни ўзи енгди, ўз сиёсатини ўзи ташкил қилди. Бу жараён осон кечгани йўқ. Ёш давлатнинг тикланишидаги энг оғир дақиқаларда АҚШ инвестициялар билан иқтисодий қўллаб-қувватланмади.

Ҳатто Афғонистонда толибларнинг қуролли гуруҳлари ҳокимият талашиб, вазият кескинлашган, улар қўллаб-қувватлаган ЎИҲ эктремистлари тинч аҳолига қарши террорчилик ва қуролли хуружларни амалга ошираётган бир вазиятда АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатлари кутиб туришда давом этишди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳоннинг энг юксак минбарларидан туриб, ҳудудда экстремизм хавфи ортиб бораётганидан огоҳлантириб, қайта-қайта мурожаат қилди. На АҚШ, на жаҳоннинг бошқа энг демократик мамлакатлари ўз ёрдамларини кўрсатгани йўқ. Бироқ бизнинг халқимиз барчасига бардош берди. Ўз вақтида Ҳарбий кучларда амалга оширилган ислоҳотлар туфайли четдан қилинган қуролли тажовузнинг олди олинди.

НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурида Ўзбекистоннинг иштирокига келсак, ҳурматли профессор, сиз билан биз ёш эмасмиз ва бундан ким катта наф кўргани ҳали номаълумлигини тушунамиз.

(Давоми учинчи бетда)

E`tirof

ШИЖОАТ ВА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ахир, чорванинг рентабеллиги қайси бир раҳбарнинг кабинетида эмас, балки чўлу саҳронинг раҳбари бўлмиш чўпоннинг ўтовида ҳал бўлади-ку! Бу соҳани маъмурий мувофиқлаштириш учун албатта ихтисослашган Бўзотов ҳокимлигига эҳтиёж бор.

Халқимиз: "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", дейди. Деҳқонга, чорвадорга, фермерга имконият туғдириб бердингми, барака топ, энди уни тинч қўй, — дегинг келади айрим маҳаллий мутасаддиларга. Эҳтиёжига яраша маҳсулотни, шартномадаги режани талаб қилинг, олинг, ортиқча ташвиш туғдирманг. Ҳа, ихтисослашган чорва тумани қайта ташкил этилса, бундан бошқа муаммолар ҳам ҳал бўлади.

Давлатимиз раҳбари ихтисослашишнинг яна бир имкониятини Нукус туманидаги "Қорақалпоқтомат" корхонасининг пахтани томчилаб суғориш йўлга қўйилган тажриба даласида кузатиб, бу тажрибанинг самарасини таъкидлади. Дарҳақиқат, ўтган йили илк бор бу илғор технологияни синовдан ўтказган деҳқонлар гектаридан 76 центнердан ҳосил олишган эди.

— Бу йилги ҳисоб-китобларга қараганда, — дейди Нукус тумани ҳокими Қўчқорбой Содиқов, — томчилаб суғорилган ерлардан камида 70 центнердан ҳосил оламиз.

Президентимиз нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун Ўзбекистонда ҳақиқий рекорд бўлган бундай натижаларга эришаётган деҳқонларнинг меҳнатда пишган қўлларини маҳкам сиқиб қутлади.

Келинг, бир ҳисоб-китоб қилиб кўришга уринайлик: Қорақалпоғистон Республикасида бу йил 90 минг гектар ерга пахта уруғи қадалди. Агар мана шу майдонда унган ғўза ёппасига томчилаб суғорилиб, гектаридан 70 центнердан ҳосил олинганда, биз 930 минг тонналик ҳосил хирмони кўтарамиз. Агар бу тажриба Ўзбекистон миқёсида амалга оширилса, натижалар оламшумул аҳамият касб этади.

Қолаверса, томчилатиб суғоришда сув 50 баробарга, ёқилғи 3-4 баробарга, парваришдаги қўл меҳнати 3-баробарга тежалишини эътиборга олсак, мазкур усулда қўлланиладиган пластик қувурлар, насос ва ҳоказоларнинг харажати арзимас тийинга айланади.

Майли, бу муаммоларнинг ҳисоб-китобини мутахассисларга қўйиб берайлик. Албатта, вақт-соати билан ана шу ишлар ҳам амалга ошиши тайин. Зотан, атиги ўн беш йилда Қорақалпоғистоннинг мисли кўрилмаган бунёдкорлик йўлини босиб ўтгани шундай ишончга асос бўлади. Нукус шаҳрининг яшариб бораётгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир.

Айтишларича, 1925 йили Қорақалпоғистонда атиги 2 та автомобил бўлган, улар ҳам раҳбарларнинг хизмат машинаси экан. Бири Тўрткўлдан, иккинчиси Қизилўрда шаҳридан чиқиб Чимбойдаги мажлисга бошлиқларни олиб келаркан. Бир куни хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу иккита автомобил Чимбойда тўқнашиб кетибди. Қорақалпоғистондаги бу илк автоҳалокат қайд этилмаган, чунки ўша пайтда автомобил назорати инспекциясининг ўзи бўлмаган. Бу воқеаларни халқимиз кулиб эслайди.

Энди қарасангиз, ўн беш йилда пойтахтимиз Нукус кўчаларида автомобил дарёдай оқади, бу манзаранинг ўзи ҳам халқнинг турмуши йил сайин фаровонлашиб бораётганини кўрсатиб турибди. Нукус ҳозир улкан қурилиш майдонига айланган, шинам иморатлар, кенг йўллар кўзни қувонтиради. Айни кунларда учта коллеж, битта лицей, иккита мактаб қурилиб, ёш авлод ихтиёрига топширилди.

Президентимиз Қалли Ойимбетов номидаги Нукус маданий-маърифий коллежининг янги биносини бориб кўрди. Одатда, баъзи маҳаллий раҳбарлар маданият масканларига боришга вақт топишолмайди. Юртбошимиз бу маскандаги учрашувда қорақалпоқ маданияти ва спортини ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари ҳақида қимматли маслаҳатларни берди.

Ҳақиқатан ҳам, барча соҳалар компьютерлашаётган бугунги кунда мажбурий "тўғараклар", ишламайдиган кутубхоналарга эҳтиёж туғиладими? Вақти келиб, чўпоннинг ўтовидаги интернетга уланган компьютердан дунё янгиликларини билиш имкони туғилади. Интернетга миллий маданий меросимизни, бугунги бадиий қадриятларимизни киритиш учун ўз соҳаларини мукаммал эгаллаган мутахассислар зарур бўлади. Президентимиз маданий-маърифий билим маскани тўғрисида айтган гапларидан келиб чиқиб, Нукусда Тошкентдаги Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг қорақалпоқ филиалини ташкил этиш мавриди келмадимикан, деган фикрга келдик. Агар бундай филиал очилса, учта театримиз Гулойим, Жульетта, Гулдурсун, Ойбарчинларнинг ролларини қойилмақом қилиб ўйнайдиган ёшлар ҳисобига янада яшаради, бойийди. Қолаверса, университет ва пединститутдаги рассомлик, мусиқашунослик мутахассисликлари ҳам ушбу филиалга жамланса, бу қорақалпоқ санъатининг янада юксалишига қўшилган муносиб ҳисса бўларди.

Президентимизнинг қисқа, аниқ, ва теран фикрларидан ижод аҳли кўнглида ана шундай орзу-умидлар туғилади.

Мустақиллигимиз туфайли инсоний меҳр-мурувват мамлакатимизда давлат сиёсатига айланди. Чунончи, моддий-маънавий жиҳатидан яхши таъминланган Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи» республикамиздаги шундай масканлар орасида ибратлиси. Лекин Юртбошимизнинг ўткир нигоҳидан ҳеч нарса четда қолмади:

– Меҳрибонлик уйларида адолат устун бўлмоғи керак, — деб таъкидлади Президентимиз.

Демак, бундай масканлардаги шарт-шароитларни янада яхшилашимиз керак.

Президентимиз Қорақалпоғистонга қилган ташрифи чоғида халқ билан учрашиб, суҳбатлашиб, Республиканинг истиқболдаги вазифаларига доир қимматли йўл-йўриқларни берди.

Ҳа, бугунги давр "арқайинликни" кўтармайди. Бир лаҳза мудраб қолсангиз, орқада қоласиз. Ҳар кунни, ҳар лаҳзани қадрли билиб, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида фаол меҳнат қилишимиз даркор. Юртбошимизнинг ташрифи бу борада бизга рағбат ва куч-қувват бахш этди.

Ўразбой АБДУРАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

ЭЛ МЕҲРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бундан олти йил муқаддам оила аъзоларимиз билан бамаслаҳат кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил қилдик. Унумли меҳнат эвазига хўжалигимиз қисқа муддат ичида оёққа туриб олди.

Яшириб нима қилдик, дастлабки пайтда кўп қийинчилик ва муаммоларга дуч келдик. Бироқ зиммамиздаги вазифаларга сидқидилдан ёндашдик. Бажарилиши лозим бўлган ҳар қандай юмушга шунчаки бир иш, эрмак деб қарамадик. Деҳқончилик борасида қўшни хоразмлик мутахассисларнинг маслаҳатига суянган бўлсак, чорва бобида наслдорликни яхшилаш жараёнига жиддий эътибор қаратдик.

Зотан, соф фойдага фақат икки йўл билан эришилади: деҳқончиликда экин маҳсулдорлигини ошириш, чорвачиликда наслдорликни яхшилаш.

Омилкорлик йўлидан бориб, бу йил аввалгиларига қўшимча равишда қишлоғимиз худудидаги чоравачилик фермасини хусусийлаштириб олдик ва хўжалигимиз 350 бош қорамол, 150 бош қўй ва 10 бош отга эга бўлди. Табиийки, айни кунларда давлатга шунга яраша гўшт ва сут маҳсулотлари топширяяпмиз. Яқинда Исроил давлатида бўлиб, соҳа бўйича малака ошириб қайтдим ва ҳозирда энг сўнгги технологияларни амалиётга татбиқ этмоқдамиз.

Деҳқончилик соҳасидаги ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Ўтган йили 9 гектар майдонга чигит экиб, 22 тонна пахта ҳосили тўплаган ва 7,2 миллион сўм даромадга эга бўлган бўлсак, жорий йилда 12 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш арафасида турибмиз.

Давлатга 7 тонна ғалла сотдик. Маҳсулотнинг қолган асосий қисми эса фермер хўжалиги аъзоларига тарқатиб берилди. Энг қувонарлиси, ҳозирги кунда хўжалигимизнинг жами экин майдони 150 гектарга етказилди ва биз бу майдонларга мавсум талаби билан пахта, буғдой ҳамда чорва моллари учун озуқабоп экинлар экишни режалаштиряпмиз. Эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш мақсадида 4 гектар майдонда боғ ташкил қилганмиз.

Мингта нолиш билан ҳеч ким чўнтагингга бир сўм солиб қўймайди. Жаҳон банки бўлинмасидан берилган имтиёзли кредит ҳисобига "МТЗ-82-1" русумли трактор сотиб олдик ва хўжалигимиз тасарруфидаги техника ҳамда механизмлар сони яна биттага кўпайди.

Халқимизнинг бир-бировга хайр-саховат, ҳиммат кўрсатишдек улуғ удумига амал қилиб, қишлоғимиздаги кам таъминланган оилаларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Ҳар йилги ўқув мавсуми олдидан фарзандларимиз таълим-тарбия олаётган мактаб ва болалар боғчаларига таъмирлаш ишида кўмак берамиз. Қишлоқ марказидаги беш минг кишига мўлжалланган болалар спорт мажмуи қурилишига ҳам ҳисса қўшдик.

Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Эл меҳрини қозонмоқ учун эса ҳали кўп ишлаш, изланишимиз керак.

Шамсиддин ФАХРИДДИНОВ,
Элликқалъа туманидаги "Қоинот" фермер хўжалиги раҳбари

Muloqot

НОТАРИУС ҚОНУНИЙ ЙЎЛ ТУТГАН!

Биз оилада 5 нафар фарзандмиз. Ота-онамиз мерос қилиб қолдирган Шайхонтохур туманида жойлашган ҳовлини яқинда давлат нотариуси бизга бўлиб берди. Яъни ҳар бир фарзанд уйнинг 1/5 қисмига эга бўлдик. Уч синглимиз келишган ҳолда уйни укамга ва менга ҳадя қилмоқчи бўлишди. Шу масала юзасидан давлат нотариусига мурожаат қилганимизда, у менинг ҳадя олишга ҳаққим йўқлигини айтди. Сабаби — мен ишим туфайли Тошкент вилоятининг Зангиота туманида рўйхатдан ўтганман. Лекин оилам ва фарзандларим Тошкент шаҳрида рўйхатда туришади. Айтинг-чи, энди сингилларимдан ҳадя ололмайманми?

Т.НАРЗУЛЛАЕВ,
Зангиота тумани

— Йўқ, сингилларингиз сизга уйни ҳадя этолмайди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 декабрдаги "Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олишни тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 586-қарорида ҳам қайд этилган Жумладан, қарорнинг 2-бандида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақалари аҳолиси уй-жой сотиб олаётган томон ҳисобланган тақдирда уй-жойни сотиб олиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш фақат махсус комиссиянинг Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори тақдим этгандан кейин амалга оширилади".

Демак, бу ўринда давлат нотариусининг хатти-ҳаракати тўғри.

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Бундан икки йил муқаддам қариндошларимдан бирига икки хонали уйимни яшаб туриш учун ижарага берган эдим. Яқинда ўглимни уйлантирмоқчиман. Шунинг учун қариндошимга уйни таъмирламоқчи эканлигимни айтганимда, у уйдан чиқиб кетишдан бош тортаяпти. Бундай вазиятда мен қандай йўл тутсам бўлади?

Л.ШАРИФЖОНОВ,
Қарши шаҳри

— Амалдаги қонунларимизда ижара шартномасини бузганларга нисбатан ҳам жазо чоралари белгиланган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 541-моддасида ижарага олувчи мол-мулкни топширмагани ёки топширишни кечиктиргани учун жавобгарлик белгиланган.

Агар мулк ижарачига топширилмаса, ижарачи бу мулкни ўзига топширилишини талаб қилиш билан бирга, ижронинг кечиктирилиши туфайли кўрган зарарни тўлашни талаб қилиши ёки бутунлай шартномадан воз кечиб, кўрган зарарларнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Албатта, буларнинг бари суд тартибида амалга оширилади. Шу боис сиз ижарага турган шахс уйингиздан чиқиб кетишдан бош тортаётган бўлса, ўзингиз яшаб турган туман фуқаролик судига мурожаат қилишингиз керак.

Суд сизнинг қонуний манфаатингизни тўлиқ ҳимоя қилади.

КЕЛИН ДАЪВОГАР БЎЛАДИМИ?

Мен турмуш ўртоғим билан 5 йил бирга яшадим. Тақдир экан, ўртада фарзанд бўлмади. Бундан 9 ой аввал автоҳалокат натижасида турмуш ўртоғим ҳаётдан кўз юмди. У оилада ёлғиз ўғил бўлгани учун биз қайнона ва қайнотам билан бирга яшар эдик. Эримнинг турмушга чиқиб кетган битта синглиси бор, холос. Қайнона-қайнотам уйни ўша қайнсинглимнинг номига мерос қилиб қолдирмоқчи. Келин сифатида мен ҳам уйдан ўз улушимни талаб қилишга ҳақим борми? Фарзандим йўқлиги бунга тўсиқ бўлмайдими?

У.БАҲРИДДИНОВА,
Ромитон тумани

— Сиз қайнотангиз ва қайнонангиз яшайдиган уйда доимий рўйхатда турган бўлсангиз, фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда, ўз улушингизга эга бўлишингиз мумкин. Бундан ташқари қайнота ва қайнонангизнинг уйни қайнсинглингизга мерос қилиб қолдириши ҳам қонуний. Чунки Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига асосан васият бўйича қайнсинглингизга уй қолдирилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан фуқаро ўзининг қонун билан ман этилмаган ҳар қандай мол-мулкини ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг барчасини ёки унинг муайян бир қисмини, шу жумладан, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозларини ҳам васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Агар васият қолдирувчи васиятномада ўзининг барча мулкини васият қилиш ҳақида фармойиш берган бўлса, унинг ҳамма мулки, шу жумладан, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари ҳам меросхўрларга ўтади.

Демак, қайнота ва қайнонангиз уйни бир қисмини сизга васият қилишса ёки уларнинг уйида рўйхатда турган бўлсангиз, ўз улушингизни олишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Tahlil ko`zgusi

Давлатимиз раҳбарининг шу йил июн ойида эълон қилинган Фармонлари ва қарори асосида солиқ юки камайтирилиб, молиявий жавобгарлик либераллаштирилмоқда. Айни пайтда ҳисоботларни қисқартириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоялаш даражасини ошириш йўлида дадил қадамлар қўйилмоқда. Буларнинг барчаси тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

СОХТА МАЪЛУМОТ

У "Банд-Ай" раҳбарини ўз комига тортди

Бироқ ҳаётда ўзига берилган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланмаётган, ўз ҳуқуқ ва бурчини унутиб қўйган "ишбилармонлар" ҳам учраб туради.

Бухоро шаҳридаги "Банд-Ай" МЧЖ фаолияти 2005 йил 22 июнда шаҳар ДСИ томонидан Адлия вазирлигида 2004 йил 3 марта 1321-сон билан давлат рўйхатига олинган **"Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк ўртасида алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари айланмаси бўйича электрон ҳужжат алмашинуви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"**ги Тартиб талаблари асосида хуфёна иқтисодга чек қўйиш, пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида банкдаги ҳисоб рақами орқали пул маблағлари айланмаси юзасидан таҳлил ўтказилди. Унда аниқланишича, «Банд-Ай» МЧЖ 2004 йилнинг сентябр-декабр ойларида 2110891,1 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган.

Бироқ солиқ ва мажбурий ажратма суммаси, яъни 0,7 фоизли жамғарма бўйича 62,8 минг сўмга, шу даврда ўтказилган ҳисобот бўйича йўл жамғармасига 89,8 минг сўмга камайтирилиб кўрсатилган.

2005 йилнинг январ-май ҳолати бўйича эса 177815,7 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилиб, 0,7 фоизли ажратмага 35,2 минг, йўл фонди жамғармасига 50,2 минг сўм, мактабларни ривожлантириш жамғармасига ҳам шунча миқдорда ортиқча тўловлар ҳисобланган. Таҳлил чоғида қонунларга қатъий риоя этиш бўйича тезкор ва холис йўл-йўриқлар, амалий ёрдам кўрсатилган.

Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Бухоро шаҳар ҳудудий комиссиясининг 2005 йил 2 августдаги 06-9541-сонли хўжалик юритувчи субъектларда режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш тўғрисидаги рухсатномаси, Бухоро шаҳар ДСИнинг 2005 йил 3 августдаги 323-сонли буйруғига асосан "Банд Ай" МЧЖда солиқ қонунчилиги ҳамда ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилди.

ДСИ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 декабрда қабул қилинган, 1999 йил 21 майда эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган **"Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоб қилишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида"**ги 621-сонли қарори талаблари ижросини текшираётганда антиқа ҳолатга дуч келишди. Гап шундаки, "Самсунг-250" русумли назорат касса машинаси 2004 йил 15 октябрда 364-сон билан Бухоро шаҳар ДСИда рўйхатга олинган. Аммо орадан роппа-роса бир ой ўтгач, "НКМ" рўйхатдан чиқарилган. Эмишки, назорат касса машинаси бузилганлиги боис ДСИга мурожаат қилиб, шундай йўл тутилган. Вилоят электрон техник маркази маълумотига кўра, "НКМ"нинг фиксал хотирасида нақд пуллар мутлақо қайд қилинмаган. МЧЖ раҳбари Мирзоҳусен Сулаймонов таъкидлашича, 2004-2005 йилларда 92359,9 минг сўм нақд пул ҳисобига харидоргир, юқори ликвидли маҳсулотларни пул кўчириш йўли билан сотиб олган. "НКМ" машинаси "мудроқ уйқуда" бўлса-да, банк муассасасига 163 минг сўмлик савдо тушумлари топширилган. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин?

"Банд-Ай" МЧЖ фаолиятида юқорида қайд қилинган ҳукумат қарори талаблари бузилганлиги кўриниб турибди: назорат касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлса-да, уни бир четга суриб қўйиб, савдони амалга оширган ва хизматлар кўрсатган, харидорга квитанция ёзиб бермаган, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар ва ҳужжатларни бермай, товарларни реализация қилган юридик шахслар энг кам иш ҳаққининг юз баравари миқдорида молиявий жаримага тортилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони талабларига асосан Бухоро шаҳар ДСИ вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Банд-Ай" МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўллашни сўради. Чунки Фармонда тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Суд ҳам ўз навбатида даъвогарнинг молиявий жарималар қўллаш тўғрисидаги талабларини қаноатлантирди.

Хўш, бунга қандай асос бор эди?

Солиқ кодексининг 135-моддаси, 16-бандида стационар савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари орқали аҳоли билан пул ҳисоб-китоблари амалга оширилаётганда қанча миқдорда нақд пул тушуми яширилса, шунча миқдорда жаримага тортилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқий меъёрларга кўра, суд жавобгардан 92359,9 минг сўм миқдорида молиявий жарима ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Бундан ҳам қизиғи шундаки, суд мажлиси чоғида МЧЖ раҳбари М.Сулаймоновнинг ўз фойдасини кўзлаб, фирибгарлик йўлини тутгани аён бўлди. Гап шундаки, у муайян ҳуқуқ берадиган улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома олиш мақсадида номигагина "НКМ" олган. Бухоро шаҳар ҳокимлигидан 2004 йил 15 октябрда СД 0606-сонли чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш учун гувоҳнома олиб, 2005 йил 31 июнгача "ғайрат-шижоат" билан савдо қилган. Эҳтимол, у иши юришиб, яйраб юрган кунларда товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп марта бузиб, Жиноят кодексининг 189-моддаси, "б" бандида назарда тутилган жиноят содир этганини хаёлига ҳам келтирмагандир. Пулнинг бир учи билакда, бир учи юракда деганларидек, жарақ-жарақ маблағ кўзига иссиқ кўрингандир?

Баъзи кимсалар ҳийла-найранг, қаллобликнинг умри қисқа эканини унутиб қўйишади. М. Сулаймонов ҳам енг ичидаги қилмиши суд жараёнида фош бўлишини ўйламаган эди. У Бухоро шаҳри Баҳоуддин Нақшбанд номидаги кўча, 40-уйда жойлашган 25,4 квадрат метрдан иборат савдо дўкони борлиги ҳақидаги ҳужжатни нусха кўчирувчи техник воситалардан усталик билан фойдаланиб, сохтакорлик билан тайёрлаган ва сўнг шаҳар ҳокимлигига тақдим этган. Шу тариқа у 2004 йил 24 сентябр куни улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 677-сонли рухсат гувоҳномасига эга бўлган. Бу эса кейинчалик ноқонуний фаолиятга "кенг йўл" очиб берган. Тақдим этилган сохта маълумотномаларни кўздан кечираркан, Бухоро шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ходимлари унинг фирибгарлигига қойил қолишди.

Албатта, ҳаётда ҳеч қайси жиноят жазосиз қолмайди. Шу маънода МЧЖ раҳбарига нисбатан ҳам ҳужжатларни қалбакилаштиргани, сохта маълумотномалар тақдим этгани, ғараз мақсадларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритганлиги учун Жиноят кодексининг 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Иш материаллари тергов ҳаракатларини олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллашиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар шакланиб, асоссиз чекланишга йўл қўйилмаётган экан, виждон амрига итоат этиб, иш олиб бориш шарт. Бухоро тумани, "Чорбакр" ширкат хўжалиги, Шергирон маҳалласида туғилиб ўсган М.Сулаймоновга ҳам қалтис қадами сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

САЛОМГА ЯРАША АЛИК

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилиш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" маърузасида ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ устувор вазифаларни аниқ белгилаш билан бирга уларни оқилона ҳал этиш ҳам қайд этиб ўтилди.

Шу йилнинг июн ойида қабул қилинган Президентимизнинг **"Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонлари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида амалга оширилиб келинаётган улкан ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Бугун қишлоқ хўжалигида кам рентабелли, қолоқ ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнига янги фермер хўжаликлари ташкил топмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда фермерлар сони кун сайин ўсиб бормоқда. Энг муҳими, истиқлол йилларида меҳнатга муносабат кескин ўзгарганлиги, моддий манфаатдорлик ошганлиги боис қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда салмоқ ҳамда сифат ўсди. Республикамизда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда фермерлар улуши йил сайин ортиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Яна шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан, фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш учун банк томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилаётганлиги кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Чунки имтиёзли кредитлар фермер хўжаликларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг энг қулай ҳамда самарали усули эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётир.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун фермер хўжаликлари қонун йўли билан муҳофаза қилинмоқда. Иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Ер узоқ муддат ижарага бериб қўйилгани, имтиёзли кредит билан қувватланаётгани, деҳқоннинг шунга яраша хизмат қилишини, яратилган имкониятга яраша жавоб тариқасида юқори ҳосил етиштириш, жамиятга кўпроқ наф келтиришини тақозо қилади.

Самарқанд вилоят прокуратураси "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти Пайариқ туман филиали манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритди. Хўш, аслида нима бўлган ўзи? Нега фермер хўжаликларини судга беришди?

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йил 26 февралида тумандаги "Ваҳоб-А" фермер хўжалиги билан "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти туман филиали ўртасида 846-сонли шартнома имзоланган эди. Бу ўринда **"Қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида"**ги шартнома асосида ҳамкорлик қилинган. Бироқ фермер хўжалиги етказиб берилган минерал ўғитлар ҳақидан 2 миллион 121 минг 752 сўмни корхонага тўламаган.

Маълумки, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонунда шартномалар тузилиши ҳамда уларга амал қилиш тартиби тўлиқ баён этилган. Юқорида зикр этилган 846-сонли шартномада фермер хўжалиги минерал ўғитлар ҳақининг ўттиз фоизини олдиндан тўлаши, қолган қисмини эса минерал ўғит топширилганлиги тўғрисида далолатнома тузилгач, олтмиш кун муддат орасида тўлаши лозим эди.

Афсуски, "Ваҳоб-А" фермер хўжалиги томонидан шартноманинг ана шу талаби бажарилмаган. Шу боисдан ҳам, суд аризани тўлиқ қаноатлантирди. Жавобгардан даъвогар — "Қишлоқхўжаликкимё" Пайариқ туман филиали фойдасига 2 миллион 121 минг 753 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Давлат божи ва почта харажатлари ҳам фермер хўжалиги ҳисобидан ундирилди.

Шунингдек, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан ушбу тумандаги "Кубай бобо" фермер хўжалигидан 1 миллион 978 минг 583 сўм, "Шаҳбоз Йўлдошев" фермер хўжалигидан 1 миллион 798 минг 465 сўм, "Холбой ота" фермер хўжалигидан 1 миллион 660 минг 415 сўм асосий қарзлар филиал фойдасига ундирилди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фермерлик фидоийлик талаб қилади. Қонун олдида мансабдор ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг ҳуқуққа эга. Фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам ана шу масъулиятдан холи эмас. Айтмоқчимизки, тадбиркорга яратилган имконият, қонун йўли билан ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланиши унинг томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилмасликка изн бермайди.

Бугунги фермер ташаббускор, ташкилотчи, ишбилармон бўлмоғи, ҳисоб-китобни қатъий юритмоғи, қонун талабларига таяниб самарали фаолият юритиши даркор. Шундагина юқоридаги каби ҳолатлар юз бермайди.

Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mulohaza, tahlil, saboq

Bugunning gapi

ОГОҲЛИК:
ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ШАРТИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Ўтмишга назар ташласак, барча замонларда жиноятчилик жамият ҳамда давлатлар ривожига, тараққиётига тўсиқ бўлиб келганини кўрамиз.

Ачинарлиси шундаки, даврлар ўтиб, ижтимоий тузумлар инқирозга учраб, нураган сайин жиноятчиликнинг камайиб, йўқолиб бориши ўрнига янгича кўриниш ёки турлари пайдо бўлгани кўзга ташланади. Ташкилий жиноятчиликнинг ҳозирги аҳволини Президент Ислом Каримов қуйидагича таърифлаган: **«Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликнинг жипслашиши яққол кўзга ташланаётгани ҳам жуда хавфлидир».**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатчиликнинг барча босқичларида, жумладан, ҳозирда ҳам, жиноятчиликка қарши кураш долзарб муаммолигича қолмоқда. Шу боис жиноятчиликка қарши кураш, айниқса, уюшган жиноятчиликнинг пайини қирқиш ҳар бир давлат ички сиёсатининг устувор вазифаларидан саналади. Аммо бугунги таҳликали замонда энг хавфли халқаро терроризм ҳаракатлари жаҳон цивилизациясига таҳдид қилиб, тараққиётга ғов бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зотан, ер юзининг деярли барча ҳудудларида халқаро терроризм фақат таҳдид солиш билан кифояланиб қолмасдан, балки ҳисобсиз қурбонларга, моддий ва маънавий зарарга сабаб бўлаётир. Ахборот воситаларида қайд этилишича, жорий йил мобайнида бир неча давлатларда содир этилган террорчилик хуружлари оқибатида 2000 нафардан ортиқ бегуноҳ инсон қурбон бўлган. Ироқда эса деярли ҳар куни террорчилик содир этиш одатий ҳолга айланиб бораётир.

Ривожланган давлатлар терроризмнинг моҳиятини, бу хуружнинг содир этилиши сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш учун изланишларни йўлга қўйганига бир неча йил бўлди. Халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш учун давлатларнинг ҳамжиҳатлиги изчил давом этаётганига қарамай, амалга оширилаётган чора-тадбирлар кам самара бераётгани кишини таажжублантиради. Айниқса, бу офатга қарши курашда фаолиятларини мувофиқлаштириши зарур бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар ўзаро ахборот алмашинувини етарлича йўлга қўймаган. Оқибатда, жиноий уюшмалар, хусусан, Туркистон ислом ҳаракати ёки Ҳизбут-таҳрир каби ташкилотлар, "Акромийлар" сингари жиноий уюшмалар хунрезликларининг олдини олишда муаммолар юзага келаётир. Ахир, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо Қирғизистон давлатининг хавфсизлик идоралари ўз ҳудудидаги "ҳарбий тайёргарликларни амалга оширган жангарилар"ни билмаганмиди? Билган бўлса, нима сабабдан жиноий тўдаларни жойида йўқ қилиш ёки бу қилмишларни фош этиш чоралари кўрилмаган? "Қўшнинг тинг, сен тинч" деган нақл бор. Билатуриб, "сен менга тегма, мен сенга тегмайман", қабилида иш тутиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини кейинги воқеалар кўрсатиб турибди-ку!

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ халқаро ҳужжатлардаги талабларни нафақат бажариш билан кифояланаётир, балки четда пухта тайёргарлик кўриб, режа асосида давлатимиз ҳудудига қўққисдан ҳужум уюштирган ҳар қандай жиноятчининг қилмишларини ўз вақтида фош этиб, бундай жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини амалда исботлаётир. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари террорчиларга содир этган жиноятига яраша жазо белгилаш билан бирга, мазкур қабиҳ ҳаракатларнинг сабабларини, улар содир этилган шарт-шароитларни ҳам ҳар томонлама ўрганиб бартараф этиш чорасини кўраётир. Бироқ бундай натижаларга эришиш қийин кечмоқда. Террорчиларнинг раҳнамолари чет мамлакатларда паноҳ топиб, ўз гумашталарига молиявий кўмак бераётгани, жиноятларнинг содир этилишига четдан туриб бош-қош бўлаётгани уларни таг-томири билан йўқ қилишни қийинлаштирмоқда.

Юридик адабиётларда мамлакат ичкарисидаги терроризм, террорчилик акти, халқаро терроризм, халқаро хусусиятга эга террорчилик хуружи, давлат терроризми каби терроризмнинг турли кўринишлари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Давлат терроризми деганда, бир давлатнинг террорчиликка мослашган жиноий гуруҳларга ҳомийлик қилиши, уларга моддий жиҳатдан кўмак бериш йўли билан иккинчи бир давлат ҳудудида террорчилик хуружини содир этиб, шу орқали ўз сиёсатини амалга оширишга уриниши тушунилади. Шу ўринда ҳозирги кунда давлат терроризми мавжудми, деган савол туғилади. Умумий жиҳатдан олиб қаралганда, охирги йигирма йил давомида халқаро террорчиликка мослашган жиноий уюшмаларга қарши барча давлатлар ҳамкорликда курашишга келишиб олган. Айниқса, 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан сўнг бу давлат бошчилигида антитеррор каолицияси тузилиб кучларни бирлаштиришга киришилган эди. Хуллас, терроризмга қарши курашда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги маълум маънода ижобий натижаларни ҳам бераётир. Ўзбекистон бу курашда каолицияни қўллаб-қувватлаган ҳолда, амалий ишлар билан кўмаклашмоқди. Аммо сўнгги воқеалар, жумладан, шу йил 13 майда Андижонда содир этилган ўта оғир жиноятлар, жумладан, конституциявий тузумни ағдариш мақсадидаги хуружлар чет давлатдаги "офислар"да қўним топган жиноятчи-жангари унсурлар томонидан террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ воқеалар тафсилоти ҳам бошқа давлатдаги демократик жараёнларни нотўғри талқин қилишдек сиёсий ўйин эканини рўй-рост кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, **айрим давлатлар сиёсатида "бошқариладиган барқарорликни" юзага келтиришга уринишлар йўқ эмас.**

Шу ўринда қайд этиш жоизки, БМТнинг яқинда бўлиб ўтган саммитида Венесуэла президенти Уго Чавес халқаро ҳамжамиятни қайта ташкил этиш ва унинг қароргоҳини АҚШдан бошқа жойга кўчириш таклифини билдирди. Шунингдек, у Оқ уй маъмуриятини икки хил стандартли сиёсат юргизиб, давлат терроризмига йўл қўяётганини рўй-рост айтди.

АҚШда чоп этиладиган "Вашингтон вақти" газетаси мухбири Жон Дейлининг (2005 йил 16 сентябр) саволларига жавоб берган Лондон университети профессори Ширин Акинер шу йил май ойида Тошкентда ўтказилиши мўлжалланган, НАТО томонидан молиялаштирилган диний экстремизм ва терроризм муаммоларига бағишланган конференцияда иштирок этишни режалаштирганини, бироқ конференция бошланмасдан бир неча ой олдин унга бу анжуман бўлмаслиги, чунки Ўзбекистонда қандайдир воқеа рўй бериши ҳақида хабар берилганини айтади. 13 майда Андижонда содир этилган воқеалардан сўнг, у жиноятлар тафсилотни ўрганиб, бу ҳодисага айрим давлатларнинг кўмаги бор деган хулоса келган. Бу эса давлат терроризми ҳақиқатдан мавжуд эканини тасдиқлайди. Айнан шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил Истанбул шаҳрида ўтган ЕХҲТ саммитида халқаро ҳамжамиятга қарата: **"Эй, одамзод, кўзингни оч, огоҳ бўл, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфаси англаш фурсати етди"**, дея қатъият билан айтган сўзларини эслашнинг ўзи кифоя.

Андижон воқеаларига боғлиқ ҳаққоний хабар ва маълумотлар таҳлили ҳар бир ўзбекистонликни огоҳ бўлишга даъват этиш билан бирга, халқаро терроризм домига дучор бўлмаслик чорасини кўриш лозимлигига ҳам чақиради. Қўли қонгаботган, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳаётдан узоқлашиб, кимларнингдир тегирмонига сув қуйиб, ўз Ватани ва халқига хиёнат қилиб хунрезликларни келтириб чиқаришга уринаётган ўта хавфли жиноятчиларни юртимиз остонасига яқинлаштирмасликка барчамиз бирдек масъулмиз. Унутмаслик лозимки, ҳамма вақт эрксевар, тинчликсевар, юртпарвар инсонларнинг якдиллиги ҳар қандай хавфни олдиндан сезиш ва уни вақтида бартараф этишда асосий омил бўлиб қолаверади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Xabar

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Шу йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Қонунчилик ҳужжатлари экспертизаси муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартдаги **«Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»**ги қарорига биноан тасдиқланган Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш Концепцияси талабларига мувофиқ ўтказилди.

Семинар ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик институти, Тошкент халқаро Вестминстер университети, ИИВ Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Қорақалпоғистон, Наманган ва Самарқанд давлат университетларида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи эксперт гуруҳи аъзолари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди Ў.Муҳамедов **«Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари»** мавзусида маъруза қилиб, қонунчилик ҳужжатлари экспертизаси тушунчаси, турлари, унга қўйилган талаблар, экспертизанинг қонунчилик ҳужжатлари сифатида амалга оширишдаги аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан қонунчилик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби, мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, экспертиза жараёнида юзага келаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Анжуманда таъкидланганидек, қонун ҳужжатларининг экспертизаси Конституциянинг устуворлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Хусусан, Конституциямизнинг 16-моддасида эътироф этилганидек, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Шунингдек, анжуманда қонун лойиҳалари муҳокамаси жарёнида жамоат экспертизасининг ролини ошириш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари экспертизаси соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, билим ва кўникмаларини шакллантириш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари экспертизаси борасида амалга ошириладиган фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқа масалаларга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саида ИНОҒОМОВА

Muhokama uchun mavzu

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ
уни адо этмоқ ҳам қарз, ҳам фарз

Фарзанд... Ҳаёт шамчироғи, инсон умрининг давомчиси. Дунёда ўзбек халқи сингари серфарзанд ва болажон халқ топилмаса керак, деб ўйлайман. Чунки халқимиз ҳаёт мазмуни, бахт-саодатини фарзандлар иқболи ва камолида кўради. Фарзанди эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етса, ҳар бир ота-онанинг юраги фахрга, қалби қувончга тўлади.

Икки эшик орасидан ўтгулик фурсатга қиёсланадиган умр эса ҳар доим ҳам тинч ва осойишта кечавермайди. Унинг яхши ва ёмон, қувончли ва ташвишли дамлари эгизак мисол доим ёнма-ён юради. Бундай дамларда ота-оналар ўз зиммасидаги вазифасини сабот билан адо этиши мумкин. Лекин фарзандлар ҳам ҳар доим ота-оналаридек метин иродали бўлиши жуда мушкул. Баъзан айрим ёшяларнинг ўз ота-онасидан ёзғириб, улар унинг қандайдир арзимас талабини бажармаганидан шикоят қилганини эшитиб қоламиз. Гўёки ота-она унинг ҳар қандай талабини сўзсиз бажариши керак. Аммо тақдир тақозоси билан ота-онанинг бирор-бир талабини адо этишга тўғри келганда эса...

Таҳририятимизга келаётган мактубларда орасида баъзан ота изтироблари, она алам-лари битилган сатрлар ҳам учраб турадики, беихтиёр шундай фарзандлар борлигидан надомат қиласан, киши.

(Давоми тўртинчи бетда)

Taklif

Оддий иш кунларининг бирида олтмиш олти ёшли отахон ҳузуримизга келди. Айтишича, икки йил бурун кампири оламдан ўтган экан. Ўғиллари шаҳарда яшашади. Уша ерда ишлашади. Қизлар эса ўз рўзғорларидан ортиб, вақтида отанинг иссиқ-совуғидан хабар олишолмайди.

Қисқаси, шундай кунларнинг бирида ўғил-қизлар маслаҳатни бир жойга қўйиб, отани уйлантирмоқчи бўлишибди. Инсон зоти борки, тақдири ҳам турлича. Аввал турмуш қуриб, фарзанд кўрмаган, ҳаётнинг аёл зотига берилган бебаҳо инъомидан умид узган эллик беш ёшли бир бева аёлнинг розилигини олишибди. Шаърий расм-русум билан улар турмуш қуришибди. Лекин аёл ФҲДЁ идорасидан никоҳларини қонуний қайд қилиш кераклигини айтибди. Отахоннинг мақсадини тушундик. Тўғри йўл тутаётганлиги билан табрикладик.

Бироқ у киши бироз хижолат чекди. Сабаби...

ҚАДРИЯТНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори билан **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида Низом"** тасдиқланиб, ҳаётга жорий этилган. Мазкур қарорнинг 2-иловаси, 88-бандида **"...ФҲДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак..."** дейилган.

Ҳақиқатан ҳам, ФҲДЁ идоралари никоҳланувчи шахсларнинг никоҳини қайд этиш тўғрисидаги аризасини қабул қилган чоғида уларга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма беради. Низомда тиббий кўрикдан ўтадиган никоҳланувчилар беш хил касаллик бўйича текширувдан ўтиши белгилаб қўйилган. Аслида никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад соғлом оилани шакллантириш, келажак авлодни ирсий касалликлардан асраш, ногирон болалар туғилишининг олдини олишдир.

Энди юқорида тилга олган кекса отахоннинг хижолат чеккани масаласига келсак, гап шундаки, улар фарзанд кўриш ёшидан ўтишган. Эҳтимол, тақдир ёзиғлиғи дейилса, тўғрироқ бўлар, кексайган чоғда бир-бирларига суянчиқ бўлиш учун никоҳдан ўтишмоқчи. Шунингдек, масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Бу халқимиз қон-қонига сингиб кетган шарқона уят, истиҳола устунлиги. Чунки айниқса, қишлоқ туманларида кўпчилик бир-бирларини яхши танишади. Бўлажак ёш келин-куёвлар қаторида йўлланма билан тиббий муассасага бориш очиғи кексаларга малол ботади.

Шундай экан, қарорнинг 2-иловасига никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари айрим ҳолатларда истисно бўлишлиги кўрсатилса, маъқул бўларди.

Рисолат НАЗАРОВА,
Пастдарғом тумани

Qonun dastagi

АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
Криминал вазиятларни таҳлил этувчилардан юксак касбий маҳорат талаб этади

2003 йилнинг кеч кузида Урганч туманида фожиали воқеа юз берди: «ГАЗ-53» ва "Дамас" русумли автомашиналарнинг ўзаро тўқнашуви оқибатида тўрт нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳалокат тунда Урганч-Гурлан магистрал йўлида содир бўлди.

Бундай оғир оқибатли ҳодисалар доимо синчковлик билан ўрганилиши, сабаблар ва айбдорлар адолат ва ҳақиқат меъёрлари асосида аниқланиши талаб этилади. Бироқ қоронғу тунда ҳалокатнинг ҳақиқий манзарасини аниқлаш мураккаб. Гарчи ваколатли идораларнинг ходимлари фожиа рўй берган жойни зудлик билан кўздан кечиришиб, турли чизма воситалар, фотосурат ва видеотасвирлар, гувоҳлар кўрсатмалари орқали асл манзарани қайта тиклашган бўлишса-да, бу воқеа барибир баҳс-мунозараларсиз ечим топмади. Бундай вазиятларда масаланинг ечими бетараф маҳкаманинг зиммасига юклатилади. Шу боис, навбатдаги текширишни Х.Сулаймонова номидаги Республика Суд экспертиза марказининг Хоразм вилоят бўлинмаси ўз қўлига олди.

Кузатишлар ҳалокат катта магистрал йўл бўйлаб ҳаракатланаётган "Дамас" автомобилига иккиламчи йўлдан чиқиб келган «ГАЗ-53» машинасининг зарб билан урилиши оқибатида юз берганини кўрсатарди. Лекин юк автомобили ҳайдовчиси иккиламчи йўлдан чиқиб келмаганини, балки асосий йўл бўйлаб ҳаракатланганини, "Дамас" унга келиб урилганини айтиб қайта экспертиза тайинлашни талаб қиларди. Аслида ўтказилган аниқлаш-тадқиқот амалиёти қайта тафтишга ҳожат қолдирмасди. Аммо шикоят эътиборсиз қолдирилмаслиги даркор. Қолаверса, тўрт нафар кишининг ҳаётига зомин бўлган йўл-транспорт ҳодисасининг айбдори қилмишига яраша жазоланиши лозим. Бу жараёнда йўл қўйилган кичик хато ҳам пировардида ҳақиқатнинг юзига парда тортиши мумкин. Шунинг учун айбланувчининг эътирозига биноан ўтказилган сўнгги текширишни бевосита Республика Суд-экспертиза маркази амалга оширди. Аниқланишича, ён томондан чиқиб келган юк автомобили асосий йўлни бекитиб қўйган ва трасса бўйлаб ҳаракат қилган енгил машинанинг ёнбош тарафига зарб билан урилган. Башарти, юк машинаси ҳайдовчиси таъкидлаганидек, ҳар иккала автомобил асосий йўлдан ҳаракатланганида зарба ён томондан эмас, балки бироз орқа тарафдан берилган бўларди.

Одатда, содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси дастлаб ҳаракат хавфсизлиги маҳкамаси (ДАН), сўнгра тергов (милиция ёки прокуратура) идораси, зарур ҳолларда суд-тиббиёт ва суд экспертиза муассасалари томонидан текширилади. Ўтказилган аниқлаш-тадқиқот тадбирларига шубҳа уйғонган вазиятларда эса ушбу идораларнинг юқори турувчи ташкилотлари томонидан ҳодиса синчковлик билан қайта ўрганилади. Юқорида айтилган вазиятда ҳам шундай бўлди. Маҳаллий ДАН, тергов гуруҳи, суд-экспертиза бўлинмасининг ҳалокатга доир хулосалари уларнинг юқори турувчи идоралари томонидан атрофлича тафтиш этилди. Шундан сўнг барчаси равшан бўлди, яъни дастлабки хулосалар ўз тасдиғини топди, шубҳа-гумонларга ўрин қолмади. Ҳақиқий айбдор аниқланди ва буни, кейинча айбланувчининг ўзи ҳам тан олди. Пировардида унга тайинланган жазо ҳам қонуний ва адолатли бўлди.

Адолат ва қонунийликни таъминлашда мустақил суд-экспертиза зиммасига чиндан ҳам, масъулиятли ва муҳим вазифа юклатилган. Суд қарорларини чиқариш, муаммоли ва мунозарали масалаларнинг қонуний ечимини таъминлашда идора томонидан берилган хулосалар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Юқорида баён этилган автоҳалокат сабабларини аниқлашда мазкур маҳкама томонидан берилган хулоса суд жараёнида асосий далилга айланганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Мустақил юртимизда бу каби институтларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас ва бу давлатимизнинг қонун устуворлигини таъминлаш асосида инсон ҳуқуқлари, ҳалқ ва жамият манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш йўлидан бораётганини яққол кўрсатади. Демак, бу соҳа ходимларининг хизматини мамлакатимизда демократия ва қонун устуворлигини таъминлашга қўшилаётган муҳим ҳисса сифатида эътироф этиш ўринлидир. Буни Хоразм вилояти мисолида олиб қарасак, ушбу хизмат тури ходимларининг қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги фаолликларига гувоҳ бўламиз. Республика суд-экспертиза марказининг вилоят бўлинмаси юридик ва жисмоний шахсларга автотехника, қурилиш индустрияси ва иқтисодиёт соҳаларидаги муаммоли ҳолатлар бўйича эксперт хизматини кўрсатаяпти. 2002 йили вилоятда Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот Криминалистика Марказининг алоҳида бўлинмаси ташкил этилиб, унинг зиммасига йўл-транспорт ҳодисалари, транспорт воситаларининг техник ҳолатини ўрганиш, уларни баҳолаш, транспорт-ишшунослик экспертизасини амалга ошириш вазифаси юклатилганди. Ўтган ярим йил мобайнида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ 30 та аниқлаш-тадқиқот амалиёти, 10 марта транспорт-трасология, 4 марта бухгалтерия-иқтисодиёт, 37 марта қурилиш-техника экспертиза тадбири ўтказилди. 85 та транспорт воситасининг амалдаги қиймати аниқланди. Бу давр мобайнида ички ишлар идораларининг 35 та, прокуратура идораларининг 13 та, суд маҳкамаларининг 37 та, бошқа идораларнинг 81 та буюртмаси бўйича экспертиза ва аниқлаш тадбирлари ўтказилди.

Фақат шу йилнинг ўзида тайёрланган хулосаларнинг 87 таси ваколатли маҳкамалар томонидан ишончли хулосалар тоифасига киритилди. Шуниси эътиборлики, бўлинма нафақат идора ва ташкилотлар, балки аҳолига ҳам хизмат кўрсатади. Фуқароларнинг сўровларига биноан ўтказилган ўрганишлар асосида уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётир.

Қисқаси, Республика суд-экспертиза марказининг Хоразм вилояти бўлими мамлакатимизда қонунчилигимизни юқори поғонага кўтариш, адолатни қарор топтиришга хизмат қилаяпти. Бинобарин, ҳозирги даврда адолат ва ҳақиқатни рўёбга чиқаришдан кўра муҳимроқ вазифанинг ўзи йўқ. Ушбу долзарб ва масъулиятли юмуш қонунчилигимиз посбонлари зиммасида эканини унутмаслик даркор.

Алишер ЎРОЗАЛИЕВ,
Суд-экспертиза марказининг Хоразм вилояти бўлинмаси раҳбари,
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

XXI АСР НАФАСИ

Munosabat

ПРОФЕССОР МАКФОЛГА ЖАВОБ
Профессор Майкл Макфол нега Ўзбекистонга кўз тикиб қолди?

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз, ҳали уларга асқотмаган "тинчлик йўлидаги операциялар"ни ўтказиш методикасини, виждонан ўзлаштирди. НАТО аскарлари эса, ҳамкорликдаги "тинчликпарвар" машқлар давомида ҳудудда теран разведка олиб боришнинг яхши имкониятига эга бўлишди, тағин бизда ўн йиллар давомида эришилган — тоғ-дашт шароитида амалий ҳаракатлар ўтказиш малакасини ҳам эгаллашди.

Фақат 2001 йил 11 сентябр воқеалари АҚШ сиёсий арбобларини Ўзбекистон Президенти даъватларига очиқ кўз билан қарашга мажбур этди. Бироқ АҚШни яхши ният ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик эмас, балки қаттиқ эҳтиёж ва ҳарбий зарурат Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё давлатлари билан стратегик шерикликни тезкорлик билан йўлга қўйишга мажбур этди. Ва яна, ўз бошидан диний экстремизм таҳдидлари хавфини, террорчилар ва экстремистларнинг қабиҳликларини ўтказган халқимизга тасаннолар айтамиз. Айнан Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўзининг Хонободдаги аэродромидан фойдаланиш учун рухсат берди.

Дарвоқе, мақола муаллифининг ўзи ҳам тан олиб ёзади: "Бу мамлакат ҳудудидаги Қарши-Хонобод базаси америка ҳарбийларининг бу ҳудуддаги ҳарбий иштирокини таъминлашда катта рол ўйнади".

Демак, америкалик меҳмонлар "бу мамлакат"нинг меҳмондўстлигидан жуда мамнунлар. Хўш, бизнинг меҳмондўст халқимизга ташаккур билдириш, унинг ҳаётини озгина яхшилаш учун бўлса-да, уларнинг ўзлари нима қилишди? Афсуски, аъло даражадаги ҳарбий базадан бепул фойдаланган америкаликлар эндигина топишган стратегик иттифоқининг иқтисодий ривожига амалда бир доллар ҳам киритишмади. Нима учун, мақола муаллифининг ўзи тан олганидек, америкаликларга бизнинг раҳбариятимизда ишончли иттифоқчини кўриш насиб этмади? Эҳтимол, мен янглишарман, бироқ тахмин қилишга журъат этаманки, бошқаларнинг қўли билан чўғни ушлашга одатланишгани боис, улар афтидан, ўзбек аскарлари Афғонистонга, Ироққа жўнатилмагани, у ерларда Америка манфаатлари учун қон тўкилмагани учун жуда хафа.

Президент Ислом Каримовнинг мустаҳкам мустақил сиёсати, унинг ўз мамлакати, ўз халқи манфаатларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари америкаликларда очиқ тушунмовчиликни туғдирди. Боз устига, мақола муаллифи Президентимиз ҳақида ҳақли эътироф этганидек, "унинг услуби Ўзбекистонда бу ҳудудга хос бўлмаган барқарорликни таъминлашга имкон яратди". Модомики, мамлакатда тартиб ва хотиржамлик ҳукмрон экан, нега бу америкаликларга маъқул тушмайди? Жавоб оддий, ахир, бу ҳолда, муаллиф нозик қилиб айтганидек, "раҳбарлар ҳеч кимнинг олдида жавоб бермайди ва хоҳламаган дақиқада ўз мажбуриятларидан воз кечишлари мумкин". Мана, гап қаерда. Йўқ, М.Макфолни Ўзбекистонда демократиянинг ривож топиши эмас, балки мустақиллигига эришган халққа ўз хоҳиш-иродасини ўтказа олиш имконсизлиги ташвишлантиради!

Бу гапларидан сўнг сиёсатшунослик кафедрасининг ҳурматли профессори М.Макфол кейинги йилларда, мунозарали китобчалар ва шубҳали мақолалар ёзиш оралиғида, нима билан машғул бўлганига диққат билан назар ташлаш зиён қилмайди. Майклнинг исми эслатиладиган ҳар қандай интернет сайтида китобчаларнинг баҳсли, мақолаларнинг шубҳали экани ҳақидаги маълумотни ўқиш мумкин. Чунки у расман Америка ташқи сиёсати масалалари билан шуғулланади. "Демократия йўқ мамлакатларда сиёсий режимларнинг алмашинуви" билан эса норасмий шуғулланади. "Рангли" инқилоблар ҳиди уфурган деярли ҳамма жойда М.Макфол "ярақлаб" кўриниш беради. Охирги пайтларда у, хусусан, Гувер институтида Эрон масаласи бўйича йирик лойиҳани мувофиқлаштирмоқда. Бугун АҚШнинг бу мусулмон давлати билан яхши муносабатда эмаслигини ким билмайди дейсиз?

Соғлом фикрли ҳар қандай кишида беихтиёр: нега энди туйқусдан "инқилоблар яратувчиси" М.Макфол бу қадар бизнинг давлатимизга нисбатан нодўстона муносабатга берилиб қолди, деган савол туғилиши мумкин.

Мақола муаллифи "Ўзбекистондаги кескин сиёсий вазият"нинг солаётган хавфи ҳақида тинимсиз жавраётир. Кечирасиз, муҳтарам Майкл, сизгача бу ерда ҳаммаси тинч эди. Эҳтимол, аслида ўн тўрт йил олдин эмас, балки яқингинада, образли айтганда, сиздан пухталик ва қатъият билан Ўзбекистондан чиқишингизни "сўрашган"дир. Ҳозир Андижонда қўлга олинган террорчилар устидан очиқ суд жараёни кетаётган бир пайтда хориждаги махсус хизматлардан "ҳомийлар" борлиги тез-тез гапирилмоқда. Судланаётганлар содир этишган жиноятларидан афсус чекишиб, ўзбек халқига шунча ғам ва азоб келтирган бу қонли фожиа кимларнинг пули эвазига режалаштирилгани, тайёрлангани ва амалга оширилганини ошкор этишиб, аниқ шахслар номини айтишаётир.

Албатта, Ўзбекистонда "ким аслида кимлигини" яхши тушунишади.

Ахмад РИЗАЕВ

Манба: «Центразия»

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

уни адо этмоқ ҳам қарз, ҳам фарз

(Давоми. Боши учинчи бетда)

«Мен ёшлигимда кўп қийинчиликлар кўриб ўсганим учун оиламга, фарзандларимга бутун меҳримни беришга ҳаракат қилдим, — деб ёзади сурхондарёлик 74 ёшли отахон. — Хотиним билан ниҳоятда аҳил ҳаёт кечирдик. Гарчи ўғил кўрмаган бўлсак-да, уч нафар қизларимиз борлигига шукр қилиб, улар бизнинг умидларимизни рўёбга чиқаради, деб ўйлардик. Бироқ... Қизларимизни узатиб, энди ҳузур-ҳаловатда яшаймиз, деб ўйлаганимда бошим ташвишдан чиқмай қолди. Гап шундаки, бир кун ўртанчи қизим олдимга келиб, «ота, сиз кексайиб қолдингиз, энди боғга қарашга кучингиз етмайди. Агар рози бўлсангиз, куёвингиз ва набираларингиз билан боққа ўзимиз қарасак», — деди. Ўзим ҳам анчадан буён қувватим етмай юргани учун, устига-устак, ҳар ҳолда бегона эмас, ўзимнинг қизим-ку, деб 2 гектар боғимни унга бердим. Қизим боққа кўчиб ўтганидан сўнг икки ой ўтгач, яна олдимга келди да, «ота, хўжалик фермерлар уюшмасига айлантирилаётгани учун хужжатларни қайта расмийлаштириш керак экан. Сиз идорама-идора сарсон бўлиб юрасизми? Керакли хужжатларга имзо чекиб беринг, ўзим сизнинг номингизга расмийлаштириб келаман», деб қолди. Мен қизимнинг бу меҳрибонлигини самимий қабул қилиб, барча хужжатларни унинг қўлига тутқаздим. Буни қарангки, ўша пайтда у мени алдаб, боғни ўзининг номига расмийлаштириб олибди. Мен бундан ёз ойларининг бошида хабар топдим. Чунки мен боққа кўчиб ўтиш истагини билдирганимда, у ҳеч тап тортмасдан «Ота, агар илоҳи би ўтгач, яна олдимга келиб, «ота, сизнинг умидларингизни ҳам қишлоққа олиб кетинг. Энди боғ менинг номимда, биз шу ерда яшаймиз», — деб қолди. Дилим оғриб, нега бундай қилганини сўраганимда, у мерос қолдирадиган ўғлингиз йўқ, барибир боғни кимгадир берасиз. Шунинг учун ўзимники қилиб олдим, деб жавоб берди. Хуллас, кексайган чоғимда ўз фарзандимдан кўрган «меҳрибончилик» оқибатида салкам икки йилдирки сарсон бўлаяпман. Тўғри, мен бу боғни ўзим билан ҳеч қаергa олиб кетмайман. Ниятим — уни учала қизимга тенг бўлиб бериш эди. Бунинг устига қизимнинг алдаб, бундай ишга қўл ургани кўнглимга оғир ботди. Шу масала юзасидан тегишли жойларга мурожаат қилсам, «Боғни қизимга беришга розиман, деб ёзилган аризага имзо чеккансиз-ку», дейишмоқда. Қизим куёвимнинг гапига кирган, буни ўзи ҳам тан олди. Қолган икки қизим эса сиз уни биздан аъло кўрдингиз, деб хафа бўлишмоқда. Ҳеч ким ёши улғайиб истиробда қолмасин экан. Икки қизим мендан хафа, мен эса боғни қайтариб ололмай сарсонман...»

Албатта, отахоннинг мактубидаги дардли сатрлар кишини ўйга толдиради.

Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи мавжуд қонунларимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин ҳаётнинг ёзилмаган кўплаб қонунлари ҳам борки, унга амал қилмаган киши нафақат ота норозилигига, балки элнинг ҳам нафратига учрайди.

«Мен узоқ йиллар маҳаллада чеккан ким ёши улғайиб истиробда қолмасин экан. Икки қизим мендан хафа, мен эса боғни қайтариб ололмай сарсонман...»

Албатта, отахоннинг мактубидаги дардли сатрлар кишини ўйга толдиради.

Фарзандлик бурчини ота-она олдидаги бурчи мавжуд қонунларимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин ҳаётнинг ёзилмаган кўплаб қонунлари ҳам борки, унга амал қилмаган киши нафақат ота норозилигига, балки элнинг ҳам нафратига учрайди.

«Мен узоқ йиллар маҳаллада чеварлик қилдим. Турмуш ўртоғим эса ҳайдовчи эди. Биргаликда икки қиз ва бир ўғилни тарбиялаб ўстирдик, — деб ёзади Қашқадарё вилоятининг Косон туманидан 69 ёшли Зумрад ая. — Фарзандларимиз вояга етгач, қизларимиз ўзидан тиниб-тинчиб кетди. Катта ҳовлида ўғлим келиним, набираларим билан бирга яшаб, бағримиз бутун эди. Тақдир экан, турмуш ўртоғим кутилмаганда вафот этди-ю бошим ташвишдан чиқмай қолди. Отаси ва менинг гапимни ҳеч қачон икки қилмайдиган ўғлим тўсатдан ўзгариб қолди. У тижорат билан шуғулланган боис топиш-тутиши яхши, таниш-билишлари ҳам кўп эди. Дўстингни кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман, деганлари рост экан. Чунки яхши дўст яхшиликка, ёмон дўст ёмонликка етаклайди. Ўғлим пул учун дўстликни жойига қўядиганларга қўшилдию, яхши кишилардан йироқлаша бошлади. Улфатлари билан бўладиган кетма-кет зиёфатлар уни ароққа ипсиз боғлаб ташлади. Энг ёмони, у ичган пайти жанжални пулга сотиб оларди. Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун файз-барака қочади, деб тўғри айтишган экан. Файз-барака бўлмаган жойдан ҳаловат ҳам йўқоларкан. Аввалига хотин, бола-чақаларига бақириб-чақирадиган ўғлим, бора-бора уларга қўл кўтарадиган бўлди. Ахийри, келиним ҳам бу жанжалларга чидолмай ота-онасиникига кетиб қолди. Бир-икки марта келинимни олиб келгач, ўғлимга танбеҳ берган бўлдим. Бироқ у хулқини ўзгартирмади. Охирги марта кетиб қолганда келинимни олиб келишга борганимда, унинг ота-онаси «Қўйинг, ўзингизни ҳам, қизимизни ҳам қийнаманг, барибир энди улар бирга яшаб кетолмайди», деганида дарди-дунём қоронғу бўлиб кетди. Андиша, ор-номус кишини ана шундай пайтларда синдириб қўяр экан. Яккаю ёлғиз ўғлимнинг бу қилиқлари қаддимни букиб қўйди. Уни ароққа ўргатган «бойвачча» ўртоқлари ҳам ташлаб кетди. Охирги пайтларда у менинг нафақа пулимни ҳам ароққа сарфлаб, агар пул бермасам, менга ҳам қўл кўтаришдан тоймайдиган даражага етди. Уйдаги буюмларни бирин-кетин сотиб бўлгач, қўни-қўшнилардан қарз олишга тушди. Билмайман бу ҳол қачонгача давом этади. Унга ҳеч кимнинг панд-насиҳати таъсир қилмаяпти. Охиринг хор бўлмасин экан, мана энди ўғлимнинг ҳасратида ҳаётнинг маъно-мазмунини англамай яшаяпман...»

Муштипар онанинг дард ва изтироблари ўғилнинг юрагига етиб бормагани, кўнглини юмшатмагани ачинарли ҳол. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега айрим фарзандлар мушкул вазиятда, оғир дамларда ота-она ўрнига ўзларини қўйиб кўришмайди? Дунёда жамики бойликлардан устун турувчи меҳр-оқибат, ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром, эъзоз ва эътибор сингари аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган туйғуларни топтаган киши вақти келиб ўзи ҳам меҳрга зор бўлиб қолмасмикин?

Вақт бешафқат, у ҳеч қачон ортга қайтмайди. Ўз ўрнида ва вақтида тузатилмаган хато эса кишини келгусида пушаймонликка дучор этади. Бинобарин, ота-она олдидаги фарзандлик бурчини адо этмоқлик ҳам фурсат кутиб турмайди.

«Эй, фарзанд, билғилким, ақл юзасидин фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй, фарзанд, шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил.

Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслини яхшилиғин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилиғин билмағусидур».

«Қобуснома»даги ушбу пурмаъно сўзлар вужудида фарзандлик қони жўшиб турган, ота-онаси олдидаги адо этилмоғи лозим бўлган бурчларини англаб етган ҳар бир ўғил-қиз учун дастуриламал бўлиши керак.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Muhokama uchun mavzu

Rang-barang olam

Ёшлигида эртак эшитган инсон зоти бор-ки, сув парилари ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга бўлади. Чунки болалигимизда момоларимиз айтиб берган асотирлардаги сув парилари, уларнинг гўзалликлари ва айрим пайтларда ўзлари севиб қолган йигитларни сув остига олиб кетиб қолишлари ҳақидаги ўта қизиқ, шунинг баробарида, андаккина қўрқинчли ҳикоялар хотираларимизга муҳрланиб қолган.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН ЭРТАКЛАР

ЁХУД СУВ ОСТИДА ЯШОВЧИ ОДАМЛАР ҲАҚИДА

Агар дунё адабиётини варақлайдиган бўлсангиз, барча миллат ва элатлар халқ оғзаки ижоди, яъни эртак ва ривоятларида ҳам сув ости одамлари ҳақида турли фикрлар билдирилади. Энг қизиғи, уларга бериладиган таъриф аксар ҳолларда бир-бирини такрорлайди. Яъни, сув парилари ўта гўзал ва сочлари узун. Сув остида яшайдиган эркакларнинг боши тап-тақир кал, лекин узун соқоллари бор. Шунингдек, уларнинг гавдасини тепа қисми одамсимон, белидан пасти эса балиққа ўхшаб кетади. Ёки қўл ва оёқ панжаларида пардалар, яъни сузгичлар бор.

Ана шундан кейин беихтиёр ўйлаб қоласиз. Наҳотки, ростдан ҳам сув остида яшайдиган одамлар мавжуд бўлса? Агар мавжуд бўлмаса, нега турли миллат ва элатлар ривоятларида улар бир хил тасвирланади? Хуллас, кавлаштирганингиз сайин саволнинг кетидан савол чиқиб келаверади. Лекин ҳали-ҳозирча дунё олимлари бу саволларга аниқ бир жавоб топа олганлари йўқ. Шунга қарамасдан бу борада бир қатор тахминлар ва, ҳаттоки, ҳаётий мисоллар бор. Биз бугунги мақоламизда сув ости одамлари ҳақидаги айрим тарихий мисолларга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, фан океанларда 6000 метр чуқурликдан сўнг биологик ҳаёт бўлишини инкор этади. Қолаверса, инсоннинг оёғи ойга етган техника тараққиёти даврида ҳам ҳали улкан сув ҳавзаларининг энг тубига одамзод етиб бора олгани йўқ. Ўз ҳаётларини денгиз ва океанларга бағишлаган таваккалчи тадқиқотчилар ҳам энг узоғи билан 10 000 ва саноқли ҳолатларда 11 000 минг метргача сув тубига туша олишган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, она заминимиздан неча-неча миллион километр узоқликда жойлашган ойга нисбатан, сув ости ҳавзалари камроқ ўрганилган. Балки шунинг учун ҳам одамзод ҳамон сув ости одамлари ҳақиқатдан ҳам мавжудми ёки йўқми, деган саволга жавоб топа олмаётгандир.

Ҳиндистоннинг қадимги ёзма манбааларида Ҳинд денгизи тубида 3 миллион денгиз одамлари яшаши қайд этилган. Улар қадимда ер устида яшовчи одамлар билан мулоқотда бўлиб туришган. Кунчиқар юрт — Япония асотирларида эса «қамиш одам» иборасини жуда кўп учратиш мумкин. Ривоятларда ҳикоя қилинишича, «қамиш одам»лар асосан сув остида яшашган. Уларнинг оёқ ва қўл бармоқларида пардалар, яъни сузгичлар мавжуд бўлган.

Сув одамлари ҳақидаги аниқ мисол 1400 йилларга тўғри келади. Гарлем шаҳри сут сотувчилари эрта саҳарда ишга кета туриб, денгиздан чиққан қиз болани тутиб олишади. У кўринишидан оддий инсонларга ўхшаб кетар, лекин онадан туғилгандек қип-ялонғоч бўлиб, оёқ ва қўл бармоқларида сузгичлари бор эди. У одамларнинг гап-сўзларини ҳам, имо-ишораларини ҳам тушунмасди. Денгиз қизини худди инсонлардек кийинтириб, Гарлем шаҳри ҳокимига совға қилишади. Қиз бир неча йил давомида одамлар орасида яшайди. Худди оддий инсонлар каби юриш, кийиниш ва ўтириб-туришга ўрганади. Лекин ҳар қанча уринишмасин, у инсон тилини ўргана олмайди. Ўзига керакли нарсани имо-ишора билан тушунтиради. Орадан беш йил ўтиб, қиз барибир очиқ денгизга қочиб кетади...

XVI асрнинг ўрталарида орфордлик балиқчилар ҳам ғалати мавжудотни тутиб олишади. Балиқчилар уни шаҳар губернаторига совға қилишади. Балиқ-одам губернатор саройида бир неча ой яшайди. У фақатгина тирик балиқ истеъмол қилар, лекин одамлардан айтарли ҳайиқмасди. Бу балиқ-одамни ҳам инсон тилида гаплашишга ўргатиш зое кетади. Чунки у тутилганидан сўнг орадан уч-тўрт ой ўтиб, очиқ денгизга қочиб кетади. Буни қарангки, орадан маълум вақт ўтиб, у яна губернатор қасрига қайтиб келади. Бир йил давомида одамлар орасида яшайди. Кейинчалик ёлғизликдан зерикади, шекилли, денгизга кетиб, қайтмайди.

Тарихий манбааларда ёзилишича, 1819 ёки 1820 йилларда Зетланд оролида яшовчи балиқчилар ҳам денгиз аёлини тутиб олишган. Лекин унинг кейинги тақдири ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган.

XX асрга келиб, аниқроғи, 1931 йилда Кеймптаун шаҳрида яшовчи балиқчилар ҳам Сальданя бухтаси атрофида денгиз одамига дуч келишган. Лекин қоқ белидан гарпун (балиқчилар найзаси) билан яраланган ва бошидан икки марта ўқ еган денгиз одами қочиб кетишга улгурган.

1974 йилда Канин ороллари да яшовчи мактаб ўқувчилари Вижес дарёсига чўмилишга боришади. Болалар ҳали кийимларини ечишга улгурмасларидан дарёдан чиқиб келаётган ғалати мавжудотни кўриб, қотиб қоладилар. У кўринишидан одамга ўхшар. Лекин думи ва сузгичлари бор эди. Ғалати мавжудот болаларнинг кўз олдида ҳеч бир таянчсиз, худди пичоқ билан кесиб олингандек тик қояга тирмашиб чиқади ва кўздан ғойиб бўлади. Аввалига ота-оналар ва ўқитувчилар болаларнинг гапларига ишонишмайди. Лекин қизиқувчилар Вижес дарёси қирғоқларига бориб кўришгач, болалар ёлғон гапирмаганига гувоҳ бўлишади. Чунки шундайгина дарё қирғоғидаги қумликда бир қарашда оддий одамнинг оёқ изларига ўхшайдиган, лекин бармоқлари орасида пардалари бор мавжудотнинг оёқ ва думлари қолдирган из яққол кўзга ташланиб турарди. Ўқитувчиларнинг ташаббуси билан Канин оролига келган мутахассислар ҳам бу оёқ изларини денгиз одамларига тегишли эканлигини қайд этишган.

1982 йилда Байкал кўлида ҳарбий ўқув машғулотлари ўтказаётган матрослар ҳам денгиз одамларига дуч келишган. 50 метр чуқурликда сузиб юрган ғоввослардан бири кутилмаганда ёнгинасида сузиб кетаётган одамни кўриб қолади. Матроснинг таърифлашича, унинг ёнидан сузиб ўтган одамнинг бўйи тахминан уч метрлар атрофида бўлган. Негадир ҳарбий рахбарлар унинг гапига ишонишмайди. Айни шу пайтда сувдан иккинчи ғоввос чиқиб келади ва сув тубида иккита улкан одамни учратгани ҳақида гапиради. Ана шундан кейингина рахбарлар бу ғалати одамлар ҳақида «юқори»га ахборот беришади. Табиийки, «юқори» қандай бўлмасин уларни тутиш ҳақида топшириқ беради. Зудлик билан етти нафар тажрибали ғоввосдан иборат махсус гуруҳ тузилади ва улкан денгиз жониворларини тутиш учун мўлжалланган ов қуроллари билан кўл тубига шўнғийдилар. Буни қарангки, сув ости одамлари ҳамон ўша жойда сузиб юришган экан. Ғоввослар уларнинг бирига тўр ташлайди. Ана шунда кутилмаган ҳодиса содир бўлади. Қандайдир кўринмас куч етти ғоввосни ҳам кўл юзига итқитиб юборади. Кучли босим оқибатида ғоввосларнинг уч нафари воқеа жойида вафот этади. Қолган тўрт нафар ғоввос эса бир умрга ногирон бўлиб қолади. Воқеани бундай ривожланганини кўрган ҳарбийлар эса бу сирни оммадан яширадилар.

Кейинчалик собиқ иттифоқ олимлари Байкал кўлида «мутлақо махфий» тамғаси остида узоқ йиллар тадқиқот олиб боришади. Лекин на сув ости одамлари ва на ғоввосларни сув юзасига итқитиб юборган куч ҳақида ҳеч нарса аниқлай олишмайди.

Хуллас, мавзуга оид адабиётларни варақлаб, юқоридагидай мисоллар ва тахминларни истаганимизча топишимиз мумкин. Лекин энг асосийси, сув остида яшовчи одамлар ҳақиқатдан ҳам мавжудми ёки йўқми, деган саволнинг жавоби ҳали-ҳамон очиқ қолмоқда.

Интернет материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади

Mitti maslahat

МУРОЖААТГА ҲУРМАТСИЗЛИК – ЖИНОЯТ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизда том маънодаги қонун ижодкорлиги юзага келди. Ана шундай қонунлар жумласига 1994 йил 6 майда қабул қилинган. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳам киради. Мазкур қонунда фуқароларнинг шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқишнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилган. Ҳар бир фуқаро ушбу қонундан ўзига зарур бўлган маълумотларни топа олади.

Афсуски, ҳаётда мазкур қонуннинг амалий ижроси билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам учраб туради. Хусусан, белгиланган муддатларни кўпол равишда бузиб фуқароларга ўз вақтида расмий жавоб бермаслик, мурожаатни кўриб чиқишни ғайриқонуний рад этиш ҳолатлари учраб туради. Қонун талабига нописанд қараганларга шуни эслатиб қўйиш жоизки, бундай ҳолатда айбдорни «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 43-моддаси талабида маъмурий жавобгарлик, Жиноят кодексининг 144-моддаси тартибида эса жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Яъни энг кам иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 6 ойгача қамоқ ёҳуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш масаласи кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 6-моддасида агар мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ариза, шикоят ёки таклифнинг моҳияти баён қилинган бўлса, уни кўриб чиқиш шарт. Акс ҳолда эса бундай мурожаатлар аноним ҳисобланиб, кўриб чиқилмаслиги баён қилинган.

Ҳасанбой ПАРПИЕВ



ЎҒИРЛИК ОШ ЮҚМАЙДИ

СУД ОЧЕРКИ

Ҳар қандай катта жиноятнинг дебочаси бўлади. Шеробод туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Йўлчи Ўтаназаров ҳам ўз ўғирлик "фаолияти"ни арзимаган ишдан бошлади. У дастлаб ён қўшниси Бердимурод Чориевнинг 10 минг сўмлик тўсинини ўмарди. Бироқ тез орада бу ўғирлик фош бўлди.

ЎҒРИГИНА БОЛА...

Халқимизда андиша деган гап бор. "Қаҳрамонимиз"нинг илк ўғирлиги ҳам ана шу андиша туфайли кечирилди. Яъни кўни-кўшни, маҳалла-кўй Йўлчининг бу ўғирлигини "Ҳа, энди, ёшлик қилибди, эндигина йигирма икки баҳорни қаршилаган йигит бўлса, нима бўлса-ям, қамалиб кетмасин, қилган ишидан қаттиқ пушаймон, хатосини англаб етган", деган куйи Бердимурод акадан узрли бўлишни, ёш йигитнинг умрини хазон қилмасликни сўрашди. Ўшанда Бердимурод ака ҳам кўпчиликнинг гапига қарши бормади, Йўлчининг гуноҳидан ўтиб, даъво қилмади.

Четдан келган ўғрини тутмоқ осон, дейишади. Чунки қишлоқ ёки маҳаллага бегона кимса бемаҳалда ораласа, биров бўлмаса биров "Сен кимсан, нима қилиб юрибсан?", — деб сўрайди. Аммо ўзингдан чиққан ўғрини тутиш қийин бўларкан. Илк қилмиши андиша туфайли кечирилган Йўлчибой бундан ўзига керакли хулосани чиқариб олмади. Балки айнан жазоланмай қолиши уни яна қиғир ишга қўл уришга ундагандир.

Хуллас, у яна қўшниси Бердимурод Чориевнинг ҳовлисига ўғриликка тушди. Бу гал у бозор нархи 4560 сўм турадиган 12 метрлик арматурани ўмариб кетди. "Бир марта оғзи куйган киши иккинчи марта қатиқни ҳам пуфлаб ичади", дейишади. Бердимурод ака ҳам ҳовлидаги арматура "ғойиб" бўлгач, қўшниси Йўлчибойдан гумон қилди. Буни қарангки, қўшнининг гумонлари тўғри бўлиб чиқди. Яна суриштирув, сўровлардан сўнг Йўлчибой ўғирлик арматурани ўз эгасига қайтариб, минг бор узр сўраганча, бошқа бундай қиғирликка қўл урмасликка ваъда берди. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, асосийси, Бердимурод ака ҳам яна "ўғригина бола"нинг гуноҳидан ўтди.

Лекин улар мана шу ўринда ота-боболаримизнинг "бугун тухум ўғирлаган одам, эртага туяни ҳам ўмариши мумкин", деган пурмаъно сўзларини унутиб қўйишди. Икки марта ўғирликка қўл урганини одамлар андиша қилиб кечиришганидан Йўлчи Ўтаназаров ўзига керакли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, яна ўғирликни кўнгли "тусайверди". Ўтган йил куз ойларида барча пахта йиғим-теримига чиққан паллада яна қўшниси Бердимурод Чориевнинг ҳовлисига ўғриликка тушиб, бозор нархида 30 минг турадиган иккита газ балони ва 30 минг сўмлик бир дона "Жигули" русумли машина шинасини "тинчитиб" кетди.

Яна тергов, суриштирувлар... Сўнг ўғирлик мол эгасига қайтарилиши, худди аввалги галларда бўлганидек, жиноятчининг жазосиз қолиши...

Хуллас, на жабрланувчи, на маҳаллакўй томонидан берилган учинчи имконият ҳам Йўлчибой учун тўғри йўлга тушиш учун туртки бўлмади. Бунинг ўрнига Йўлчибой энди каттароқ ўлжани кўз остига ола бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Йўлчи яйловда эгасиз ўтлаб юрган бир тўда молларни кўриб, хурсанд бўлиб кетди. Қараса, атрофда бирон-бир тирик жоннинг қораси кўринмайди. У секин ҳамқишлоғи Аваз Турраевга тегишли бир бош семиз қўчқорни зовур ичига ҳайдадию, кўздан ғойиб бўлди. Кечки пайт эса у қўчқорни ўзига аввалдан таниш бўлган Равшан Худойқуловнинг дала шийпонига ҳайдаб келди.

— Дўстим, шу қўчқор бир кеча қўрангда турсин, эрталаб бозорга олиб чиқаман, — дея илтимос қилди у.

— Қўчқор кимники? — қизиқди Равшан.

— Аваз аканики бўлса керак. Далада ўтлаб юрган экан. Ўғирлаб келдим, — тап тортмасдан жавоб берди. Йўлчи ҳам.

"Кўр кўрни қоронғуда топади", дейди халқимиз. Дарҳақиқат, бу гал ҳам шундай бўлиб чиқди. Ширкат хўжалигида оилавий пудратчи бўлиб ишловчи Равшан Худойқулов ўғирлик молни била туриб, танишининг раъйига қарши бормади. Улар ўша оқшом ярим тунгача ўзаро гурунг қилишди, тонг отаётган пайтда эса бири уйида йиғиб қўйган қатиқни елкалаб, иккинчиси эса ўғирланган қўчқорни етаклаганча Шеробод бозорига йўл олишди. Ҳадемай ҳар иккиси ҳам ўзларига тегишли молларни пуллашди. Сўнг улфатлар бозор четидаги ошхона томон йўл олишди, бир шиша ароқни майдалаб турганларида танишлари Рустам Худойқулов келиб қолди.

— Э, э, қани жўралар, улфатчилик зўр-ку! — дея қуюқ салом-алик қилди у.

— Ўтир оғайни, бугун биз боймиз. Равшан қатиқ сотди. Мен бир бош қўйни 35 минг сўмга пулладим. Тортинмай дастурхонга яқинроқ ўтир, — деди Йўлчибой.

Улфатларнинг гурунги авжига чиқди. Гап орасида Рустам Йўлчидан 5 минг сўм қарз сўраркан, бугун синглисининг туғилган куни экани, хоҳласа, бирга боришни айтиб қолди. Вилоят "МТ" сида тракторчи бўлиб ишловчи Рустам Худойқулов ҳам Йўлчининг ўғирлигидан воқиф бўла туриб, бу ҳақда мутасадди идораларга хабар бермади. Аксинча, ўғрининг ҳаром лукмасига шерик бўлишни маъқул кўрди.

Ўғирлик ош баданга юқмайди, дейишади. Ушбу пурмаъно сўзлар яна бир карра ўз исботини топди. Ўз хатоларидан хулоса чиқармаган Йўлчи Ўтаназаров суд ҳукмига кўра беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Унинг шериклари Равшан ва Рустам Худойқуловлар Президентимизнинг 2004 йил 1 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги Фармонининг 2-моддаси билан жазодан озод қилинди.

МАШИНАНИ ОЛИБ ҚОЧИШДИ, СЎНГ...

Навбатдаги "қаҳрамонимиз" Шеробод шаҳри, Лутфий кўчаси, 7-уйда истиқомат қилувчи Султонмурод Ғаффоров ҳам Йўлчибойга ўхшаб жиноят йўлини танлаганлардан чиқиб қолди. У йигирма олти ёшга киргунга қадар бир эмас, икки марта содир этган жиноятлари учун суднинг қора курсисига ўтирди. Лекин бундан тегишли хулоса чиқариб олмади.

Ўшанда баҳорнинг илк кунлари эди. Шеробод туманида маҳаллалар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилаётганди. Султонмурод қўшниси Эркин Хўжаназаров билан маҳалладошларини қўллаб-қувватлаш ниятида стадион томон йўл олди. Уларнинг маҳалла жамоаси футбол мусобақасида ғолиб чиқди. Бундан табиийки, улар роса қувонишди. Сўнг улфатлар бу ғалабани "ювиш" учун йўл-йўлакай ошхонага киришди. Шиша ичидаги тиниқ ичимлик одамларнинг ичига киргач, бир пасда ўз "ҳунари"ни кўрсатади. Бир шишани бўшатишгач, икки улфат ҳам шундай кўйга тушишди. Шунинг таъсирида улар ўзларини шер ҳисоблай бошлашди. Шу пайт уларнинг нигоҳи эшиклари ланг очиқ турган "Жигули"га тушиб қолди. Бу пайт машина эгаси Илҳом Содатов ўзига тегишли бўлган "ВАЗ-21011" русумли машинасини ювиш ниятида кўча бошида тўхтатиб, ўзи сув олиб келишга кетган эди. Улар аввалига ўзларини машина атрофини шунчаки айланиб юргандек тутишди. Сўнг бирданига машинанинг ичига ўзини уришди. Буни қарангки, Эркинбой машина ҳайдашни биларкан. Шартта калитни бураганича машинани ўт олдирди... Илҳом Содатов орқасига ўгирилиб қарасаки, машина юриб кетаяпти. У қўлидаги челакни ҳам улоқтириб, "тўхта", деганича машинаси томон югурди. Ҳаллослаб югуриб келганча машинанинг сиртига осилди, уни тўхтатишни талаб қилди. Аммо ширакайф улфатлар унинг бақириб-чақиришига эътибор ҳам бермай машинанинг тезлигини баттар оширишди.

Икки улфат машинани елдек учириб бораркан, йўл-йўлакай бир қути сигарет харид қилишди. Шунда Султонмурод таниши Д.Аваеванинг уйига боришни таклиф қилди. Эркинга ҳам унинг таклифи ёқиб тушди ва машинани ўша томонга ҳайдади.

Етиб келгач, улар дарвоза ёнида турган қизалоққа онаси Дилоромни чақириб чиқишни буюришди. Қизалоқ онасининг уйда йўқлигини айтганда, икки улфат уни ҳақоратлаб, сўкиб кетишди. Шу хонадонда ижарада турадиган Улуғбек исмли йигит шовқин-суронни эшитиб, кўчага чиқди ва уларни инсофга чақирди. Лекин унинг гап-сўзи икки улфатга ёқмади. Қисқаси, икки ўртада муштлашув бошланди.

Бу воқеани деразадан кузатиб турган Дилоромнинг синглиси туман ички ишлар бўлимига кўнғироқ қилди. Бу пайтда машина эгаси Илҳом Содатов ҳам ички ишлар бўлимига воқеа тафсилотларини сўзлаб бераётган эди.

Табиийки, тезкор ҳаракат туфайли жиноятчилар бир зумда қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди ҳар икки жиноятчига ҳам қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Ҳар икки воқеа хусусида фикр юритар экансиз, афсусланиб кетасиз. Чунки ҳар икки ўғирликка қўл урган жиноятчилар катта ҳаётга энди қадам босаётган ёш йигитлар. Инсон умрининг энг гўзал ва бебаҳо даври — ёшликни панжара ортида ўтиши ҳақида ўйласангиз, ҳаётда ўйламай ташланган қадам, ножўя хатти-ҳаракат инсон учун нечоғлик қимматга тушишига амин бўласиз. Ҳолбуки, умр инсонга бир марта берилади. Унинг ҳар бир сониясини қадрлаб яшаш, эзгу ва савоб ишлар қилиш — умр мазмунини ташкил этиши керак. Зеро, донишмандлардан бири — умр бизга ҳар бир сониясини жасорат билан ҳимоя қилиш учун берилган, деганида нақадар ҳақ бўлганини унутмаслик лозим.

Ўткир ТОЖИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди раиси

Jinoyat va jazo

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Пўлат САМАТОВ, Ислом ҲАМРО, Мавжуда РАЖАБОВА, Холли НОРБОЙ, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6